

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ҚОНУНЧИЛИК  
ТЎПЛАМИ

1-сон  
(1125)  
2024 йил  
январь

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

## МУНДАРИЖА

### Биринчи бўлим

- «Ўзбекистон Республикаси билан Италия Республикаси ўртасида ушлаб бериш тўғрисидаги Шартномани (Рим, 2023 йил 8 июнь) ратификация қилиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 3 январдаги ЎРҚ–892-сон Қонуни
- «Ўзбекистон Республикаси билан Италия Республикаси ўртасида жиний ишлар бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги Шартномани (Рим, 2023 йил 8 июнь) ратификация қилиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 3 январдаги ЎРҚ–893-сон Қонуни
- «Ўзбекистон Республикаси билан Италия Республикаси ўртасида маҳкумларни топшириш тўғрисидаги Шартномани (Рим, 2023 йил 8 июнь) ратификация қилиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 3 январдаги ЎРҚ–894-сон Қонуни

*Иккинчи бўлим*

4. «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини ислоҳ этиш ва соҳани рақамлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 3 январдаги ПФ–1-сон Фармони [Кўчирма]
5. «Чиқиндиларни бошқариш тизимини такомиллаштириш ва уларнинг экологик вазиятга салбий таъсирини камайтириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 4 январдаги ПФ–5-сон Фармони
6. «Қуйи бўғинда сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш ҳамда сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 январдаги ПҚ–5-сон қарори

*Учинчи бўлим*

7. «Ўзбекистон Республикасида дастурий бюджетлаштириш тизимини жорий этишда бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг бюджет дастурларини ишлаб чиқиш, мониторингини юритиш ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 4 январдаги 4-сон қарори
8. «Мулк ҳуқуқининг дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирлар белгиланганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 5 январдаги 9-сон қарори

*Бешинчи бўлим*

9. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2023 йил 15 декабрдаги 1-сон ва Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг 2023 йил 4 декабрдаги 91-сон «Дон ва дуккакли дон экинлари илмий тадқиқот институти ва унинг филиалларига, уруғчилик ҳамда бошқа хўжаликлардан давлат ресурсига харид қилинадиган уруғлик дон учун нав устама-ларидан 3 фоизгача ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 3 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2382-1*)
10. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирининг 2023 йил 12 декабрдаги 37-сон «Консуллик легаллаштириш тўғрисидаги йўриқнома-ни, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги*

*томонидан 2024 йил 3 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 313-3)*

11. *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2023 йил 25 ноябрдаги 39/3-сон «Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, нақд пул ва бошқа қимматликларни инкассация қилишга доир йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 3 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2096-2)*

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

**БИРИНЧИ БЎЛИМ****ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ****1 Ўзбекистон Республикаси билан Италия Республикаси ўртасида ушлаб бериш тўғрисидаги Шартномани (Рим, 2023 йил 8 июнь) ратификация қилиш ҳақида\***

Қонунчилик палатаси томонидан 2023 йил  
24 октябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2023 йил 25 ноябрда  
маъқулланган

Ўзбекистон Республикаси билан Италия Республикаси ўртасида ушлаб бериш тўғрисидаги Шартнома (Рим, 2023 йил 8 июнь) ратификация қилинсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 3 январь,  
ЎРҚ–892-сон

---

\* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 4 январда эълон қилинган.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

**2** Ўзбекистон Республикаси билан Италия Республикаси ўртасида жиной ишлар бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги Шартномани (Рим, 2023 йил 8 июнь) ратификация қилиш ҳақида\*

Қонунчилик палатаси томонидан 2023 йил  
24 октябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2023 йил 25 ноябрда  
маъқулланган

Ўзбекистон Республикаси билан Италия Республикаси ўртасида жиной ишлар бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги Шартнома (Рим, 2023 йил 8 июнь) ратификация қилинсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 3 январь,  
ЎРҚ-893-сон

---

\* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 4 январда эълон қилинган.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

**3** Ўзбекистон Республикаси билан Италия Республикаси ўртасида маҳкумларни топшириш тўғрисидаги Шартномани (Рим, 2023 йил 8 июнь) ратификация қилиш ҳақида\*

Қонунчилик палатаси томонидан 2023 йил  
24 октябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2023 йил 25 ноябрда  
маъқулланган

Ўзбекистон Республикаси билан Италия Республикаси ўртасида маҳкумларни топшириш тўғрисидаги Шартнома (Рим, 2023 йил 8 июнь) ратификация қилинсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 3 январь,  
ЎРҚ–894-сон

---

\* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 4 январда эълон қилинган.

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

#### **4 Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини ислоҳ этиш ва соҳани рақамлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида\***

#### **[Кўчирма]**

Сўнгги йилларда мамлакатимизда жамият ва давлат ҳаётини кенг қўламли ислоҳ қилиш, шунингдек, амалга оширилган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари доирасида суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини такомиллаштириш соҳасида салмоқли ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, дунёнинг илғор демократик давлатларида суд ҳужжатларини ижро этиш соҳасида шаклланган тажриба ва амалиёт таҳлили соҳада узоқ муддатли тизимли ислоҳотлар амалга ошириш эҳтиёжи мавжудлигини кўрсатди.

Мажбурий ижро бюросининг тузилма ва вазифалари мажбурий ижро тизими ривожланишининг замонавий талаблари ва жаҳон тенденцияларига тўлиқ жавоб бермайди.

Суд ҳужжатларини ижро этишдан ҳар қандай бўйин товлашнинг олдини олишга, шунингдек, фуқароларнинг минимал турмуш даражасини таъминлаш учун зарур бўлган пул маблағлари дахлсизлигини кафолатлашга қаратилган суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини тизимлаштириш ва янада такомиллаштириш зарур.

«Ўзбекистон — 2030» Стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ, фуқаролар, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, шунингдек, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини такомиллаштириш орқали одил судлов самардорлигини таъминлаш мақсадида:

1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2024 йил 1 майдан бошлаб:

а) суд ҳужжатлари асосида ижро ҳужжатларини электрон шаклда бериш (юбориш, тақдим этиш) тартиби жорий этилсин. Бунда:

иқтисодий ишлар бўйича суд ҳужжатлари асосида ижро ҳужжатларини фақат электрон шаклда бериш (юбориш, тақдим этиш) тартиби жорий этилади (Ўзбекистон Республикасидан ташқарида ижро этилиши лозим бўлган ижро ҳужжатлари бундан мустасно);

\* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 4 январда эълон қилинган.

фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича суд ва маъмурий суднинг ҳужжатлари асосида бериладиган ижро ҳужжатлари, қоида тариқасида, электрон шаклда, ижро ҳужжати Ўзбекистон Республикасидан ташқарида ижро этилиши лозим бўлган тақдирда ёки тарафларнинг илтимосномасига кўра эса — суднинг муҳри билан тасдиқланган ҳолда қоғоз шаклда берилиши (юборилиши, тақдим этилиши) мумкин;

суд ҳужжатлари асосида бериладиган ижро ҳужжатлари QR-код (матрик штрихли код) билан тасдиқланган ҳолда электрон рақамли имзо билан расмийлаштирилади;

юридик шахслар томонидан суд ҳужжатлари асосида берилган ижро ҳужжатлари ва ижро иши юритиши доирасида қабул қилинган қарорлар ва бошқа ҳужжатлар уларнинг солиқ тўловчи шахсий кабинети орқали олинади ва тақдим этилади;

жисмоний шахслар учун Ягона интерактив давлат хизматлари портали ёки интерактив хизматларни кўрсатадиган терминаллар орқали суд ҳужжатлари асосида берилган ижро ҳужжатларини ва ижро иши юритиши доирасида қабул қилинган қарорлар ва бошқа ҳужжатларни олиш ва тақдим этиш имконияти яратилади;

б) фуқаролардан қарздорликлари учун ундирув қаратилиши мумкин бўлмаган энг кам кафолатланган даромад белгилансин. Бунда:

даромадларнинг кафолатланган энг кам миқдори фуқароларнинг қарздорликлари бўйича пул маблағларини ундиришда қўлланилади ва белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг ярмига мос келади;

фуқаронинг банк ҳисобварақларидан, жумладан банк карталаридан ижро ҳужжатлари юзасидан қарздорлик бўйича пул маблағларини меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг ярмидаги маблағлар ҳисобидан ушлаб қолиш (ҳисобдан чиқариш) тақиқланади;

в) ижро ишини юритишнинг соддалаштирилган тартиби почта харажатлари бўйича қарздорликни ундиришга ҳам татбиқ этилсин.

2. Белгилансинки, 2024 йил 1 декабрдан бошлаб суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг сўзсиз ижросини таъминловчи «Мажбуриятлар реестри» (кейинги ўринларда — Реестр) институти жорий этилади. Бунда:

Реестр Мажбурий ижро бюроси томонидан юритилади;

қарздор мол-мулки йўқлиги сабабли ундирув амалга ошириш имконияти бўлмаганда, у ҳақидаги маълумотлар мажбурий тартибда Реестрга киритилади;

қарздор ҳақида маълумот Реестрга киритилгандан кейин унга нисбатан ижро иши доирасида қўлланилган барча чекловлар сақлаб қолинади;

Реестрга киритилган қарздорнинг мол-мулки ва пул маблағлари аниқланганда мажбурий ижро ҳаракатлари давом эттирилади;

қарздор ижро ҳужжати бўйича мажбуриятини бажарганда, у вафот этганда, ижро ҳужжатини беришга асос бўлган суд ҳужжати ёки бошқа органнинг ҳужжати бекор қилинганда ёхуд ижро ҳужжати бўлган ҳужжат бекор қилинганда ёки ҳақиқий эмас деб топилганда, қарздорнинг 10 йил давомида

мол-мулки ёки пул маблағлари ҳақида маълумот аниқланмаганда ёки қарздор банкрот деб топилганда, ундирувчининг аризасига кўра, у ҳақидаги маълумотлар Реестрдан чиқарилади.

Бош прокуратура (Н.Т. Йўлдошев) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2024 йил 1 августга қадар «Мажбуриятлар реестри» институти амалиётга жорий этиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда киритсин.

3. Белгилансинки, 2024 йил 1 апрелдан бошлаб:

суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари мажбурий ижроси доирасида мол-мулкни шартнома-воситачилик асосларида сотиш фақатгина мол-мулкни қабул қилишдан уни сотишгача бўлган жараёнларни масофавий мониторинг қилиш электрон тизимини жорий қилган савдо ташкилотлари томонидан амалга оширилади;

суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари мажбурий ижроси доирасида мол-мулкни шартнома-воситачилик асосларида сотиш бўйича савдо дўконларини танлаб олишда мол-мулкни Интернет-дўконлар орқали сотишни амалга оширувчи савдо ташкилотларига устунлик берилади.

Бош прокуратура (Н.Т. Йўлдошев) 2024 йил 1 мартга қадар ижро ҳужжатлари бўйича хатланган мол-мулкни шартнома-воситачилик шартлари асосида реализация қилиш тартибини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин.

4. Мажбурий ижро бюросига юклатилган вазифаларнинг самарали ижро этилишини таъминлаш мақсадида:

а) Мажбурий ижро бюросига асосий фаолияти вояга етмаганлар манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган Мажбурий ижро бюросини ривожлантириш жамғармасидан молиялаштириладиган қўшимча 230 та давлат ижрочиси штат бирлиги ажратилсин;

б) марказий аппаратнинг Ташкилий-назорат ва таҳлил бошқармаси таркибида мавжуд штат бирликлари доирасида Мониторинг маркази ташкил этилсин ва унинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

Мажбурий ижро бюросининг дастурий таъминот ва ахборот тизимларидан олинган маълумотлар асосида суд ва бошқа органлар ҳужжатлари ижроси ҳолати билан боғлиқ вазиятни онлайн таҳлил қилиш;

ахборот-коммуникация ва рақамли технологиялар асосида ундирилган пул маблағлари ҳисобини ва бошқа ҳисоботларни юритиш;

ижро иши юритишнинг процессуал тартиби ва муддатларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш;

маълумотларни таҳлил қилиш орқали вужудга келиши мумкин бўлган ҳолатларни баҳолаш ва прогноз қилиш ҳамда уларнинг олдини олиш ва бар-тараф этиш юзасидан таклифлар киритиш;

в) марказий аппаратда Активларнинг ҳисобини юритиш ва бошқариш бўлими, Бюронинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармаларида Активларнинг ҳисобини юритиш ва бошқариш шўъбаси мавжуд штат бирликлари доирасида ташкил этилсин.

5. Мажбурий ижро бюроси директори М.Э. Эгамбердиев:

давлат ижрочиси лавозимига олий маълумотга эга бўлган шахсларни қабул қилинишига алоҳида эътибор қаратсин;

амалдаги ўрта махсус маълумотга эга давлат ижрочиларини Ўзбекистон Республикаси Хуқуқни муҳофаза қилиш академиясида босқичма-босқич ўқитиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширсин.

6. Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури 1-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Н.Т. Йўлдошев, масъул вазирлик ва идоралар раҳбарлари чора-тадбирлар дастурида назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва тўлиқ бажарилиши учун шахсан масъул этиб белгилансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 2-иловага\* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

8. Бош прокуратура Адлия вазирлиги, Олий суд ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

9. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Н.Т. Йўлдошев белгилансин.

Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Д.Б. Кадиров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 3 январь,  
ПФ–1-сон

---

\* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### **5** Чикиндиларни бошқариш тизимини такомиллаштириш ва уларнинг экологик вазиятга салбий таъсирини камай- тириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида\*

Республикада чикиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини ислоҳ қилиш доирасида ҳудудларни санитар тозалаш бўйича кўрсатиладиган хизматлар сифатини ошириш, маиший чикиндиларни тўплаш ва ҳудудлардан олиб чиқиш соҳасига тадбиркорлик субъектларини фаол жалб қилиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, соҳада жиддий камчилик ва муаммолар сақланиб қолмоқда. Жумладан:

биринчидан, мавжуд полигонларнинг ҳолати экология ва санитария талабларига жавоб бермайди, улар фаолиятида қайта ишлаш, утилизация қилиш ва кўйдириб юбориш тизимлари яратилмаган, шунингдек, бошқарув тизими тўғри йўлга қўйилмаганлиги сабабли айрим полигонлар тартибсиз шаклланган;

иккинчидан, чикинди хизматлари учун тўлов сўнги 4 йил давомида қайта кўриб чиқилмаганлиги тадбиркорлик субъектлари ҳисобланган санитар тозалаш корхоналарининг иқтисодий ҳолатига салбий таъсир кўрсатган, оқибатда чикиндиларни тўплаш, олиб чиқиб кетиш, саралаш ва қайта ишлаш ишлари тўлақонли ва самарали равишда амалга оширилмаган;

учинчидан, санитар тозалаш хизматлари учун тўловларни амалга оширишда инсон омилининг юқорилиги, марказлашган электрон тўлов тизимининг тўлиқ жорий қилинмаганлиги ҳамда идоралараро тизимлар билан интеграция қилинмаганлиги натижасида кўрсатилган хизматлар учун тўловлар бўйича дебитор қарздорлик кўпайган;

тўртинчидан, юридик шахсларга чикиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизмат кўрсатиш юзасидан шартномалар тузилмаган ҳамда бу масалада юридик шахсларнинг масъулияти белгиланмаган.

Аҳолининг маиший чикиндилар билан боғлиқ хизматлар сифатидан тўлиқ қониқишини таъминлаш, ушбу хизматлар даражасини халқаро стандартларга етказиш ва тадбиркорлар учун жозибadorлигини таъминлаш, ҳосил бўлаётган чикиндиларни қайта ишлаш даражасини кескин ошириш, чикиндиларнинг полигонларда тўпланишининг олдини олиш, атроф-муҳитга етказилаётган салбий таъсирни минималлаштириш, «ноль чикинди» тамойилига эришиш ва айланма (циркуляр) иқтисодиётни ривожлантириш бўйича изчил чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида:

1. Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги (кейинги ўринларда — Вазирлик), Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг қўйидаги таклифларига розилик берилсин:

\* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 6 январда эълон қилинган.

а) ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича:

белгиланган тартибда автомобиль йўлларида йўл ҳаракати қоидалари бузилганлигини махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситаларини ўрнатган тадбиркорлик субъектларига экологик ҳуқуқбузарликларни қайд этиш ва Давлат экологик назорат инспекциясига хабар бериш ҳуқуқини бериш. Бунда, тадбиркорлик субъектлари жавобгарликка тортиш чоралари кўрилиши натижасида жарима сифатида ундирилган маблағларнинг 20 фоизи миқдоридagi пул мукофоти билан рағбатлантирилади;

аҳолига ўз ташаббуси билан чиқиндихоналарга айланган ёки тизимли равишда чиқиндилар ноқонуний равишда ташлаб кетилиши кузатиладиган ҳудудларда ўз маблағлари ҳисобидан фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситаларини ўрнатиш юзасидан Вазирликка буюртма бериш имкониятини яратиш. Бунда, жавобгарликка тортиш чоралари кўрилиши натижасида жарима сифатида ундирилган маблағларнинг 20 фоизи миқдоридagi пул мукофоти билан буюртма берган шахслар рағбатлантирилади;

экологик патрулга жалб қилинган Миллий гвардия ва Ички ишлар вазирлиги ходимлари томонидан экологик ҳуқуқбузарликлар бўйича жавобгарликка тортиш чоралари кўрилиши натижасида жарима сифатида ундирилган маблағларнинг 10 фоизи миқдоридagi пул мукофоти билан ушбу ходимларни рағбатлантириш;

«Хавфсиз шахар» интеграцияланган тизими доирасида камералар орқали экологик ҳуқуқбузарликларни аниқлаш тизимини жорий қилиш;

б) санитар тозалаш корхоналарининг чиқиндиларни юклаш, ташиш, жойлаштириш ва саралаш ишлари билан шуғулланувчи ишчилари ҳамда ободонлаштириш бошқармаларининг тозалаш ишлари билан шуғулланувчи ишчилари хизматларини рағбатлантириш бўйича:

мазкур ишчиларга, экофаолларга ва жамоатчилик экология назоратчиларига Экология жамғармаси маблағлари ҳисобидан ҳар ой 100 тадан велосипед ва бошқа мукофотларни бериш;

ҳар йили энг узоқ (камида 10 йил) ва садоқатли хизмат кўрсатган ходимлар учун «Табиат уйғунлиги ҳимоячиси» танловини ўтказиш ҳамда улардан 100 нафарининг давлат олий таълим муассасаларига тўлов-контракт асосида ўқишга кирган фарзандлари ёки невараларига контрактининг тўлиқ суммасини Экология жамғармаси ҳисобидан тўлаб бериш. Бунда, талабаларга келгусида давлат органлари ва ташкилотларида камида уч йил ишлаб бериш мажбурияти юклатилади;

в) Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибда ҳар йили «Энг тоза маҳалла» танловини ўтказиш ва танлов натижалари бўйича ғолиб бўлган 14 та маҳаллага Экология жамғармаси маблағлари ҳисобидан:

маҳалланинг тегишли жамғармасига чиқинди йиғиш майдончаларини қуриш, маҳалладаги ижтимоий объектларга чиқинди контейнерларини ўрнатиш ва дарахтларни экиш учун жами 500 миллион сўмдан ўтказиб бериш;

хизматда фойдаланиш учун 1 тадан электромобиль харид қилиш ва топшириш чораларини кўриш.

2. Вазирлик Бош прокуратура билан биргаликда 2024 йил 1 апрелга қадар: чиқиндиларни белгиланмаган жойларга ташлаш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун жарима миқдорини ошириш ҳамда ушбу маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли бўлган ашё ёки маъмурий ҳуқуқбузарликнинг бевосита ашёсини мусодара қилиш жазосини кенгайтириш, чиқиндилар ташлаб кетилган жойни тозалаш ва чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш мажбуриятини белгилашни;

чиқиндилар тўплаш майдончалари ва уларнинг қўриқланмайдиган (модулли) иншоотларидан чиқиндиларни ноқонуний равишда тўплаш ва олиб чиқиб кетиш учун маъмурий жавобгарлик киритишни;

кимёвий, биологик ва бактериологик воситалардан фойдаланган ҳолда, шунингдек, бинолар, иншоотлар ёки бошқа объектларни қуриш, қайта қуриш, реконструкция қилиш ва ўз ҳудудда қўшимча бино ва иншоотларни қуриш ҳамда капитал таъмирлаш вақтида атроф-муҳитга зарар етказиш, шу жумладан, экинларга, ўрмонларга, дарахтларга ёки бошқа ўсимликларга қасддан шикаст етказиш, пайҳон ва нобуд қилганлик учун маъмурий жавобгарлик киритишни;

ҳудудларни тозалашга масъул бўлган жисмоний ва юридик шахслар ўз вазифаларини бажармаганлиги натижасида атроф-муҳитнинг ифлосланиши учун жавобгарлик киритиш ҳамда ушбу ҳудудларни тозалаш ва чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш билан боғлиқ харажатларни қоплаб бериш механизмини жорий этишни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда киритиш чораларини кўрсин.

3. Вазирликнинг санитар тозалаш корхоналари томонидан чиқиндиларни йиғиш, олиб чиқиб кетиш, саралаш ва қайта ишлашга оид қўйидаги таклифлари маъқуллансин:

а) 2024 йилдан бошлаб ҳар йили республика ва маҳаллий бюджетлар параметрлари тасдиқланишидан олдин санитар тозалаш хизматлари учун тўловнинг энг кам ставкалари (суммаси)ни қайта кўриб чиқиш амалиётини ушбу Фармонга 1-иловада\* келтирилган схемага мувофиқ жорий қилиш;

б) 2024 йил 1 апрелдан бошлаб кўчмас мулк ҳамда автотранспорт воситалари билан боғлиқ битимларни нотариал тасдиқлашда қарздорлик мавжудлиги Қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматлари учун аҳоли томонидан мажбурий тўловларни тўлаш ва ҳисобини юритишнинг ягона электрон тизими (кейинги ўринларда — Ягона электрон тизим) орқали онлайн режимда текширилиб, қарздорлик бартараф этилганидан кейин нотариал ҳаракатни амалга ошириш;

в) истеъмолчилар ҳуқуқларини тўлиқ таъминлаш, тўловларни электрон тизимлар орқали шахсий ҳисобварақларда тўлиқ акс эттиришга қаратилган:

2024 йил 1 апрелдан бошлаб барча санитар тозалаш корхоналари томонидан Ягона электрон тизимга уланган ҳолда фуқароларга хизмат кўрсатиш ҳамда ушбу талабни бажармаган корхоналар билан тузилган шартномаларни бекор қилиш ва улар хизмат кўрсатадиган ҳудудларни давлат-хусусий шериклик асосида бошқа корхоналарга бириктириш;

\* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ягона электрон тизимнинг узлуксиз фаолиятини таъминлашга «Санитар тозалаш ишларини ташкил этиш республика маркази» давлат муассасасини (кейинги ўринларда — Марказ) масъул этиб белгилаш;

чиқинди хизматлари учун тўловларни қабул қилиш ҳамда абонентлар ҳисобини юритишни фақатгина Марказнинг биллинг тизими, электрон тўлов тизимлари ёки тижорат банкларининг тўлов қабул қилиш кассалари орқали амалга ошириш.

4. Вазирлик, Энергетика вазирлиги ва «Худудий электр тармоқлари» АЖ, санитар тозалаш корхоналарининг аҳолига қаттиқ маиший чиқиндилар бўйича кўрсатилган хизматлари учун тўловларни амалга оширишда қўшимча қулайликлар яратиш, шаклланаётган қарздорлик тўғрисида ўз вақтида ва қулай тарзда хабардор қилишни йўлга қўйишга қаратилган қуйидаги таклифлари маъқуллансин:

а) чиқинди хизматлари учун ойлик тўловлардан қарздорлиги бўлган абонентларни SMS орқали хабардор қилиб бориш;

б) қарздорлик вужудга келганлиги тўғрисида олдиндан электрон тўлов тизимлари орқали огоҳлантирилгандан кейин тўловлар амалга оширилмаган тақдирда абонентлар чиқинди хизматлари бўйича қарздорликни барта раф этмаганига қадар уларнинг электр энергияси учун тўловларини қабул қилишни вақтинчалик чеклаш амалиётини қуйидаги босқичларга мувофиқ жорий этиш (электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимига уланмаган ҳудудлар бундан мустасно):

1-босқичда — Тошкент ва Нукус шаҳарлари ҳамда вилоятлар марказларида 2024 йил 1 июндан бошлаб чиқинди хизматлари бўйича 6 ой давомида шаклланган қарздорлик учун;

2-босқичда — республиканинг барча ҳудудларида 2024 йил 1 ноябрдан бошлаб чиқинди хизматлари бўйича 3 ой давомида шаклланган қарздорлик учун;

3-босқичда — республиканинг барча ҳудудларида 2025 йил 1 январдан бошлаб чиқинди хизматлари бўйича 1 ойлик қарздорлик учун.

5. Белгилаб қўйилсинки:

мазкур Фармон 4-бандининг «б» кичик бандида белгиланган амалиёт татбиқ этилган ҳудудларда биллинг тизимлари фаолиятини техник таъминлаш, тўловларни ўз вақтида амалга ошириш учун керакли шароитлар яратиш мақсадида қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматлари учун аҳолидан ундирилган тўловларнинг 1 фоиздан ажратмалари автоматик равишда «Худудий электр тармоқлари» АЖ ва Марказнинг махсус ҳисоб рақамларига ўтказилади;

санитар тозалаш корхоналари чиқинди хизматлари учун тўловларни ҳисоблашнинг ҳаққонийлиги ва тўғрилиги учун масъул бўлади ҳамда ушбу талаб бузилган ҳолларда жабрланувчининг харажатлари ва маънавий зарарини қоплаб беради;

ушбу Фармон 4-бандининг «б» кичик бандида белгиланган тизим 2023 йил 31 декабрга қадар бўлган чиқинди хизматлари учун шаклланган қарздорликка татбиқ этилмайди.

6. Қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта ишлаш фаолиятини янада рағбатлантириш мақсадида белгилаб қўйилсинки:

2024 йил 1 июндан бошлаб маиший чиқиндилар таркибидаги иккиламчи хомашёни реализация қилиш фақат биржа орқали амалга оширилади. Бундан тадбиркорлик субъектларининг аҳоли томонидан мустақил сараланган чиқиндиларни сотиб олиш ҳоллари мустасно;

2024 йил 1 июлдан бошлаб Вазирлик Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги билан биргаликда ишлаб чиқарувчилар ва импорт қилувчилар томонидан қайта ишланиши тўғрисидаги маълумот кўрсатилиши мажбурий бўлган товарларнинг рўйхати ва уларнинг белгиларини тасдиқлаб боради.

Вазирлик 2024 йил 1 августга қадар ушбу Фармонга 2а-иловада\* келтирилган чиқиндиларни қайта ишлашни ёки экологик хавфсиз тарзда утилизация қилишни йўлга қўйган тадбиркорларга «яшил субсидиялар» ажратиш тизимини жорий этсин.

7. Қаттиқ маиший чиқиндиларни саралаш тизимини босқичма-босқич ташкил этиш учун 2024 — 2026 йилларда Тошкент, Ангрэн, Андижон, Бухоро ва Термиз шаҳарлари ҳамда Тошкент туманидаги кўп қаватли уйлар жойлашган ҳудудларда қуйидагиларни назарда тутувчи лойиҳа амалга оширилади:

а) чиқиндиларни чиқинди йиғиш майдончаларида «қайта ишланадиган», «қайта ишланмайдиган» ва «озиқ-овқат» тоифаларига ажратган ҳолда йиғиш ташкил этилади;

б) 2024 йил 1 июлга қадар мазкур ҳудудларга хизмат кўрсатувчи санитар тозалаш корхоналари томонидан чиқиндиларни тоифаларга ажратган ҳолда тўплаши учун қуйидаги турдаги махсус чиқинди пакетлари (QR-код — матрицали штрих кодли) билан фуқаролар бепул таъминланади:

қайта ишланадиган қаттиқ маиший чиқиндилар учун — шаффоф, рангсиз;

қайта ишланмайдиган қаттиқ маиший чиқиндилар учун — қора ранг; озиқ-овқат чиқиндилари учун — жигарранг;

в) қайта ишланадиган қаттиқ маиший чиқиндилар чиқинди йиғиш майдончаларида санитар тозалаш корхоналари томонидан сотиб олинади.

Тошкент, Ангрэн, Андижон, Бухоро ва Термиз шаҳарлари ҳамда Тошкент туманидаги кўп қаватли уйлар жойлашган ҳудудларда чиқинди йиғиш майдонларида сотиб олиш йўли билан қабул қилинадиган «қайта ишланадиган» тоифага мансуб чиқинди турлари рўйхати 2б-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, ушбу бандда назарда тутилган лойиҳанинг амалга оширилиши Вазирликнинг ҳудудий бўлинмалари ва ҳокимликлар томонидан назорат қилинади ҳамда чиқинди йиғиш майдонларини пакетлар билан таъминлаш учун Экология жамғармасидан босқичма-босқич 30 миллиард сўмгача бўлган маблағлар ажратилади.

8. Юридик шахсларнинг маиший чиқиндиларини тўплаш ва олиб

\* 2а-2б-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

чиқишда қўшимча шарт-шароитлар яратиш, уларнинг фаолияти натижасида шаклланадиган чиқиндиларнинг аҳоли яшаётган ҳудудларга ва атроф-муҳитга таъсирини камайтириш бўйича 2024 йил 1 июлдан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларга кўрсатиладиган хизматлар оммавий оферта асосида амалга оширилади. Бунда оферта шартномаси фақатгина фаолияти давомида алоҳида кўчмас мулкдан фойдаланадиган юридик шахслар ёки якка тартибдаги тадбиркорлар билан мазкур кўчмас мулк жойлашган ҳудудга бириктирилган санитар тозалаш корхонаси ўртасида тузилади;

б) Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашилари юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар учун уларнинг фаолият турлари ва хусусиятларидан келиб чиқиб, чиқинди тўплаш меъёрларини тасдиқлайди ҳамда оммавий офертадаги тўлов суммалари ушбу меъёрларга асосланган ҳолда белгиланади;

в) шартномалар тузилиши қуйидаги ҳолатларда мажбурий ҳисобланмайди: юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркор фаолият олиб борадиган ҳудудда санитар тозалаш корхоналари фаолияти йўлга қўйилмаганда;

юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркор фаолият олиб борадиган ҳудудда ўрнатилган меъёрларга мувофиқ маиший чиқиндиларни йиғиш майдончалари (контейнер ёки махсус чиқиндиларни сақлаш жойлари) жойлаштирилмаган тақдирда, бунда маиший чиқиндиларни йиғиш майдончаларини (контейнер ёки махсус чиқиндиларни сақлаш жойлари) жойлаштириш меъёр ва тартиблари Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади;

юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркорда қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиш учун мўлжалланган махсус автотранспорт воситаси мавжуд бўлганда ҳамда у билан чиқинди полигони ўртасида қаттиқ маиший чиқиндиларни жойлаштириш ва утилизация қилиш бўйича шартномалар тузилганда;

г) шартномаларни оммавий оферта учун махсус платформага жойлаштириб бориш санитар тозалаш корхоналари зиммасига юклатилади.

9. Қаттиқ маиший чиқиндиларни бошқаришнинг шундай тизими ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизмат кўрсатиш ишларини ташкил этиш учун:

Вазирлик — чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқувчи ва амалга оширувчи, фаолият ва шартномаларга бўлган минимал талабларни, шу жумладан, давлат-хусусий шериклик лойиҳалари амалга ошириладиган ҳудудларни белгиловчи ҳамда ушбу йўналишда саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштирувчи орган;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари — санитар тозалаш корхоналари билан қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари юзасидан шартномалар бўйича буюртмачи (давлат шериги);

хизмат кўрсатувчи санитар тозалаш корхонаси — буюртмачининг ижро-чиси (оператор — хусусий шерик) ҳисобланади;

б) туман (шаҳар)лар ҳудудларини хизмат кўрсатувчи ташкилотларга бириктириб қўйиш қонунчиликда белгиланган тартибда, давлат-хусусий шериклик лойиҳалари доирасида — тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан хусусий шерик ўртасида тузиладиган маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматларини кўрсатиш бўйича давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимга мувофиқ амалга оширилади;

в) ҳудудларда чиқиндиларни олиб чиқиб кетишда кенг қамровли узилишлар содир бўлган ҳолатда сафарбар этиш учун Марказ ҳузурида чиқинди ташувчи техникалардан иборат захира гуруҳи тузилади ва ушбу захира гуруҳининг ишлаш тартиби 3-иловага\* мувофиқ белгиланади.

10. Белгилаб қўйилсинки:

а) 2024 йил 1 июндан бошлаб белгиланган тартибда махсус техникага эга бўлган санитар тозалаш корхоналари томонидан қуйидаги чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш келишилган нархларда алоҳида тўлов эвазига амалга оширилади:

- саноат чиқиндилари;
- суюқ маиший чиқиндилар;
- йирик ҳажмли маиший чиқиндилар;
- қурилиш чиқиндилари ва тупроқ;
- тиббиёт чиқиндилари;
- заҳарли-кимёвий чиқиндилар;

б) 2025 йил 1 январдан бошлаб қаттиқ маиший, қурилиш, суюқ маиший, тиббиёт, саноат, хавфли ва заҳарли чиқиндиларни ташиш лицензияланадиган фаолият ҳисобланади. Бунда:

юрidik ва жисмоний шахсларнинг махсус техникалари GPS ва махсус камераларга эга бўлиши ҳамда махсус техникаларнинг GPS ҳаракатини махсус камералар орқали онлайн кузатиб туриш учун аҳолига имконият яратилиши лицензия талабларидан бири этиб белгиланади;

лицензия Вазирлик томонидан берилади;

в) 2024 йил 1 ноябрдан бошлаб қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизмати билан шуғулланувчи ташкилотларнинг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тизими жорий этилади.

11. Қуйидагилар:

2024 — 2026 йилларда республика ҳудудида қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш манзилли дастури 4-иловага\* мувофиқ;

2024-2025 йилларда қаттиқ маиший чиқинди полигонларини рекультивация қилиш ва тупроқ қатлами билан ёпиш манзилли дастури 4а-иловага\* мувофиқ;

2024 йилда маиший чиқинди полигонларини тегишли муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан таъминлаш манзилли дастури 4б-иловага\* мувофиқ;

\* 3 — 4б-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

2024-2025 йилларда қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта юклаш станцияларини ташкил этиш бўйича манзилли дастур 4в-иловага\* мувофиқ;

2024 — 2028 йилларда ҳудудларда чиқиндиларни қайта ишлаш, муқобил энергия ҳамда органик ўғит ишлаб чиқариш истиқболли лойиҳалари 5-иловага\* мувофиқ;

2024 — 2028 йилларда ҳудудларда замонавий ярим ер ости чиқинди контейнерларини ўрнатиш бўйича истиқболли лойиҳалар 6-иловага\* мувофиқ;

2024 — 2026 йилларда қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта юклаш станцияларини ташкил этиш бўйича истиқболли лойиҳалар 7-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

#### 12. Белгилансинки:

ушбу Фармон билан тасдиқланган манзилли дастур ва истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш натижасида 2030 йилдан эътиборан қайта ишлашга, термик усулда муқобил энергия ишлаб чиқаришга яроқли чиқиндиларни маиший чиқинди полигонларига жойлаштириш тақиқланади;

4, 4а, 4б, 4в-иловаларда 2024 — 2026 йилларда амалга оширилиши белгиланган тадбирлар учун Вазирликка Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан 479,8 миллиард сўм маблағ ажратилади. Бунда, белгиланган тадбирларни амалга ошириш учун Вазирлик буюртмачи ҳисобланади;

Чиқиндиларни бошқариш тизимини мувофиқлаштириш ва айланма (циркуляр) иқтисодиётни ривожлантириш бўйича республика комиссиясига мазкур Фармонга 4, 4а, 4б, 4в-иловаларда назарда тутилган манзилли дастурларга ўзгартириш киритиш ҳуқуқи берилади;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари 5 — 7-иловаларда белгиланган истиқболли лойиҳалар юзасидан лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш, маҳаллий ва хорижий инвесторларни ва санитар тозалаш корхоналарини жалб қилиш ҳамда лойиҳаларни амалга ошириш учун масъул бўлади;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 апрелдаги ПҚ–4291-сон қарори доирасида 7-иловада белгиланган истиқболли лойиҳаларнинг амалга оширилишига лойиҳада белгиланган ҳудудга бириктирилган санитар тозалаш корхоналари масъул бўлади.

13. Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини жадаллаштириш мақсадида:

а) 8-иловага\* мувофиқ тозалашга масъул бўлган шахсларнинг аниқ ҳудудлари ва мажбуриятини белгилаш. Бунда, ушбу иловада келтирилган шахслар белгиланган ҳудудларда тозалаш ишларини амалга оширмаган тақдирда қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортилади;

б) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига давлат шериги сифатида ободонлаштириш бошқармасининг функцияларини давлат-хусусий шерикчилик асосида тадбиркорлик субъектларига ўтказиш ҳуқуқи берилади.

Бунда, 2024-2025 йилларда ҳар бир вилоятда тажриба тариқасида ка-

\* 4в — 8-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

мида биттадан туман (шаҳар) ободонлаштириш бошқармаларининг функциялари давлат-хусусий шериклик асосида тадбиркорлик субъектларига ўтказилади.

14. Аҳолига қулай санитария-гигиена шароитларини яратиш, туристик жозибадорликни ошириш ва атроф-муҳитга салбий таъсирни камайтириш мақсадида 2024 йил 1 майдан бошлаб тадбиркорлик субъектларига жамоат жойлари, ижтимоий объектлар ва аҳоли пунктларининг белгиланган жойларида санитария-гигиена шохобчаларини ташкил этиш ҳуқуқи берилсин. Бунда:

туман (шаҳар) ҳокимлиги томонидан жамоат санитария-гигиена шохобчалари қурилиши мумкин бўлган жойларнинг дислокациясини ҳамда мазкур ҳудуддаги инфратузилма объектлари ва аҳоли ҳаракати гавжумлиги даражаси тўғрисидаги маълумотларни «E-auktion» тизимидаги алоҳида веб-саҳифада эълон қилиб боради;

санитария-гигиена шохобчалари ўрнатиладиган жойларни тадбиркорлик субъектларига бириктириш электрон аукцион савдолари орқали амалга оширилади;

электрон аукцион савдоларига қўйиш учун санитария-гигиена шохобчалари ўрнатиладиган жойларнинг минимал қиймати (бошланғич нархи) Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, туман (шаҳар) ҳокимлиги ва Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан белгиланадиган тартиб асосида аниқланади;

электрон аукцион савдоларида ғолиб бўлган тадбиркорлик субъектларига санитария-гигиена шохобчалари ўрнатиладиган жойлар мулк ёки ижара ҳуқуқи асосида ажратилади;

электрон аукцион савдоларида ғолиб бўлган тадбиркорлик субъектлари санитария-гигиена шохобчаларини Вазирлик, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳамда Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси томонидан белгиланадиган аниқ мезонлар, техник топшириқлар, ўрнатишга қўйиладиган талаблар ва бошқа зарур шартларга мувофиқ бириктирилган жойларда ташкил этади.

15. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Кадастр агентлиги билан биргаликда:

2024 йил 1 июнга қадар ижтимоий объектларидаги мавжуд барча санитар-гигиена шохобчаларини хатловдан ўтказсин;

2024 йил 1 сентябрга қадар барча ҳудудлардаги санитар-гигиена шохобчаларини таъмирлаш ва реконструкция қилиш бўйича уч йиллик дастурларни ишлаб чиқсин ва тасдиқланишини таъминласин.

16. Санитар тозалаш соҳасида фавқулодда хатарларнинг олдини олиш, молиявий барқарорликни таъминлаш мақсадида Вазирлик ҳузурида юридик шахс мақомига эга нодавлат Экосанитария жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) ташкил этилсин.

17. Экосанитария жамғармасини молиялаштириш манбалари ва Жамғар-

ма маблағларидан фойдаланиш мақсадлари 9-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки:

Жамғарма маблағларининг даромадлар ва харажатлар сметаси 7 нафар, шу жумладан, 3 нафар Вазирлик, 2 нафар соҳа тадбиркорлари, халқаро аудиторлик (Big Four) компанияси вакили ҳамда танлов асосида тайинланадиган мустақил бошқарувчидан иборат бўлган Жамғарма Бошқарувчилар Кенгаши томонидан тасдиқланади. Бунда, Бошқарувчилар Кенгаши раиси ва аъзоларига Жамғарма фаолиятидаги иштироки учун ҳақ тўланади;

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири Жамғарма Бошқарувчилар Кенгашига раислик қилади.

18. Вазирлик Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Наманган, Сирдарё, Сурхондарё, Жиззах, Самарқанд ва Хоразм вилоятлари ҳокимликлари билан биргаликда 2024 йил 31 декабрга қадар «Тоза ҳудуд» ДУК фаолият олиб бораётган ҳудудларни давлат-хусусий шериклик тамойили асосида чиқиндиларни саралаш ва қайта ишлаш технологиялари мавжуд санитар тозалаш корхоналарига имтиёзли ҳуқуқ берган ҳолда ўтказиш чораларини кўрсин.

Бунда, чиқиндиларни қайта ишлаш ва иккиламчи маҳсулотларни ишлаб чиқариш технологиялари ҳамда камида 20 та махсус техникалари бўлган санитар тозалаш корхоналарига устуворлик берилади.

19. Чиқиндилар билан ишлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни янада такомиллаштириш бўйича «йўл харитаси» 10-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 11-иловага\* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

21. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири А.А. Абдуҳакимов белгилансин.

Мазкур Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 4 январь,  
ПФ–5-сон

\* 9 — 11-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ

**6 Қуйи бўғинда сув ресурсларини бошқариш тизимини та-  
комиллаштириш ҳамда сув ресурсларидан фойдаланиш  
самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, сувдан фойдаланиш маданиятини юксалтириш орқали аҳоли онгида шаклланган «сув — текин» тушунчасидан воз кечиш ҳамда сувни тежайдиган суғориш технологияларини кенгайтирилган тартибда жорий этишни давом эттириш мақсадида:

1. Сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг:

сув хўжалиги ташкилотлари томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларига сув етказиб бериш хизматлари учун тўловларни бекор қилиш;

Сув хўжалиги вазирлигининг туман (Қувасой шаҳар) ирригация бўлимлари ҳамда махсус хизматлари негизида «Сув етказиб бериш хизмати» давлат муассасаларини (кейинги ўринларда — Сув етказиб бериш хизматлари) ташкил этиш;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқдан Давлат бюджетига тушган тушумнинг 40 фоизини Сув етказиб бериш хизматлари фаолиятини молиялаштириш, уларнинг балансидаги объектларни сақлаш ва техник ҳолатини яхшилаш харажатларига йўналтириш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. Сув хўжалиги вазирлиги туман (Қувасой шаҳар) ирригация бўлимларидаги мавжуд бошқарув ходимларининг штат бирликлари ҳисобидан Сув хўжалиги вазирлиги марказий аппаратида Сув етказиб бериш хизматлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармасини ташкил этиш учун 7 та штат бирлиги ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда ирригация тизимлари ҳавза бошқармаларида Сув етказиб бериш хизматлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўлимларини ташкил этиш учун 39 та штат бирлиги ажратилсин.

Бунда, Давлат бюджети параметрларида туман (Қувасой шаҳар) ирригация бўлимларини сақлаш учун кўзда тутилган маблағлар тегишли туманларда Сув етказиб бериш хизматлари фаолиятини молиялаштириш учун йўналтирилади ва меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига мутаносиб равишда индексация қилиб борилади.

3. Қуйидагилар Сув етказиб бериш хизматларининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

белгиланган лимитлар асосида истеъмолчиларга сув етказиб бериш;

ўзига бириктирилган ҳудудда сувнинг ҳисоби ва ҳисоботини юритиш;

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 8 январда эълон қилинган.

суғориш тармоқлари ва улардаги гидротехник иншоотларни соз ҳолатда сақлаш, таъмирлаш-тиклаш тадбирларини амалга ошириш;

сув олиш жойларини сувни бошқариш ва ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозлаш, сув мониторинги, ҳисоби ва ҳисоботи юритилишини рақамлаштириш;

истеъмолчилар кесимида истеъмол қилинган сув ҳажми тўғрисидаги маълумотларни солиқ органларига тақдим этиб бориш;

сув истеъмолчиларининг буюртманомаси асосида бошқа сув хўжалиги хизматларини кўрсатиш.

4. Сув етказиб бериш хизматлари раҳбарлари тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси сув хўжалиги вазири ҳамда ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари бошлиқларининг тавсияларига асосан Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазири томонидан лавозимга тайинланиши ва лавозимдан озод этилиши ҳамда амалга оширилган ишлар юзасидан бир йилда икки марта халқ депутатлари туман Кенгашларига ҳисобот бериб бориши белгилансин.

5. Сув етказиб бериш хизматларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида:

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги — 2024-2025 йилларда босқичма-босқич зарур техника учун маблағлар ажратилишини;

Сув хўжалиги вазирлиги — туман (Қувасой шаҳар) ирригация бўлимлари балансидаги мавжуд бино ва асосий воситалар, шу жумладан техникалар Сув етказиб бериш хизматлари балансига ўтказиб берилишини;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари — маъмурий биноси мавжуд бўлмаган Сув етказиб бериш хизматлари учун зарур бино ёки жой ажратилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2024 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунининг 4-моддаси 38-бандига асосан қишлоқ хўжалиги ерларини суғориш ва балиқларни етиштириш (ўстириш) учун фойдаланиладиган сув ҳажми, шу жумладан деҳқон хўжаликлари ва қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларга эга бўлган жисмоний шахслар учун сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ (кейинги ўринларда — сув солиғи) ставкаси 1 куб метр сув учун 100 сўм этиб белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

7. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

а) 2024 йилдан бошлаб:

Сув хўжалиги вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда ҳар йили 25 мартга қадар вегетация даври учун ва 25 сентябрга қадар кузқиш даври учун сув манбаларининг сувлилик даражасидан келиб чиққан ҳолда ҳудудлар кесимида қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш учун сув олиш лимитларини тасдиқлайди;

Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари ҳамда ҳудудий қишлоқ хўжалиги бошқармалари ҳар

йили 1 апрелга қадар вегетация даври учун ва 1 октябрга қадар куз-қиш даври учун якуний истеъмолчилар кесимида экинларни суғориш учун сув олиш лимитларини ҳудудлар бўйича тасдиқланган лимит доирасида ишлаб чиқади ва тасдиқлаш учун халқ депутатлари туман Кенгашларига киритади;

истеъмол қилинган сув миқдори ҳисобини юритмаган (юритишдан бош тортган) қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари учун сув солиғи базаси халқ депутатлари туман Кенгашлари томонидан тасдиқланган лимитларга нисбатан икки баробар оширилган ҳолда ҳисобланади;

б) 2025 йилдан бошлаб:

сувни тежайдиган суғориш технологиялари жорий қилинганда ҳамда суғориш учун олинган сув ҳажми сув ўлчаш ускуналари асосида аниқланганда сув солиғи ставкасига 0,5 камайтирувчи коэффициент қўлланилади;

сувни тежайдиган суғориш технологиялари жорий қилинганда ёки суғориш учун олинган сув ҳажми сув ўлчаш ускуналари асосида аниқланганда сув солиғи ставкасига 0,7 камайтирувчи коэффициент қўлланилади;

балиқчилик учун олинган сув ҳажми сув ўлчаш ускуналари асосида аниқланганда сув солиғи ставкасига 0,7 камайтирувчи коэффициент, қўлланилади;

сувни тежайдиган суғориш технологиялари жорий қилинмаганда ҳамда суғориш учун олинган сув ҳажми сув ўлчаш ускуналари асосида аниқланмаганда сув солиғи ставкасига 1,5 оширувчи коэффициент қўлланилади.

8. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 12 декабрдаги «Қишлоқ хўжалигида эркин бозор муносабатларини янада ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-205-сон Фармонида «Агробанк» АТБ устав капиталини ошириш учун 2,6 триллион сўм маблағ йўналтириш ҳамда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида ажратилган кредитлардан 2024 йилда қайтган маблағларни сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этиш бўйича лойиҳаларни амалга оширишга йўналтириш белгиланганлиги;

«Агробанк» АТБ томонидан сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий қилиш бўйича шаффоф онлайн кредит ажратиш имконини берувчи «suvkredit.uz» электрон тизими (кейинги ўринларда — «suvkredit.uz» тизими) ишлаб чиқилганлиги ҳамда 2024 йил 1 февралга қадар тўлиқ ишга туширилиши маълумот учун қабул қилинсин.

9. Сув хўжалиги вазирлиги (Р. Қаршиев) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (А. Назаров), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (А. Бобоев), Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши (Ф. Суюнов) билан биргаликда «suvkredit.uz» тизимида қуйидаги функциялар инobatга олиниши бўйича «Агробанк» АТБга кўмаклашсин:

кредит расмийлаштириш жараёнининг шаффофлиги, яъни барча босқичларни онлайн кузатиб бориш имконияти яратилиши;

кредитлар асосида жорий қилинадиган сувни тежайдиган суғориш технологиялари фақат ишчи лойиҳалар асосида қурилиши;

пудрат ташкилотлар томонидан ҳар бир лойиҳа бўйича камида 2 йиллик

кафолат муддати берилиши ҳамда 5 йил давомида сервис хизматлари кўрсатилиши;

кредит олувчилар томонидан пудрат ташкилотларнинг фаолиятини баҳолаб бориш ҳамда рейтинг тизими юритилиши;

кредит олувчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларини сувни тежайдиган суғориш технологияларидан самарали фойдаланишга ўқитиш орқали сервис ва консултатив хизматлар кўрсатилиши.

10. Белгилансинки, 2024 йилдан бошлаб:

сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларига «suvkredit.uz» платформаси орқали 5 йил муддатга, шундан 2 йиллик имтиёзли давр билан йиллик 14 фоиз ставкада кредитлар ажратилади;

кредит таъминотининг 70 фоизи суғурта компанияларининг кредит қайтмаслик хатаридан суғурта полиси, 50 фоизи эса «Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси» АЖ кафиллиги асосида амалга оширилади;

сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этиш бўйича харажатларнинг бир қисмини қоплаш учун субсидиялар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларига ушбу технологиялар жорий қилинган йилнинг ўзида тўлиқ миқдорда ажратилади.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий қилиш бўйича лойиҳаларга тижорат банклари томонидан миллий валютада ажратиладиган кредитлар бўйича фоиз ставкасининг 10 фоиздан ошадиган қисмини Давлат бюджетидан қоплаб берилишини таъминласин.

11. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг:

тижорат банкларининг кредит маблағлари ҳисобига жорий қилинган сувни тежайдиган суғориш технологиялари бўйича ажратиладиган субсидияларни, биринчи навбатда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларининг тижорат банкларида очилган қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ундирувга йўл қўйилмайдиган махсус мақсадли ҳисобварақлари (кейинги ўринларда — махсус мақсадли ҳисобварақлар) орқали кредитни сўндириш учун йўналтириш;

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Сув хўжалиги вазирлиги ва тижорат банклари билан биргаликда махсус мақсадли ҳисобварақлар очиладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларининг рўйхатини шакллантириши ҳамда Солиқ қўмитаси ва Марказий банк билан келишилган ҳолда Вазирлар Маҳкамасига киритиши;

махсус мақсадли ҳисобварақларни очиш Вазирлар Маҳкамасининг рухсати асосида амалга оширилиши тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

12. Белгилансинки, суғориладиган ерларда янги боғлар, узумзорлар ва бошқа кўп йиллик дарахтзорлар ҳамда енгил типдаги иссиқхоналарни ташкил этишда хулосалар Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан фақат сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий қилиш шarti билан берилади.

Бош прокуратура (Ж. Хатамов), Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси (А. Вахабов) мазкур бандда белгиланган талабнинг ижроси устидан қатъий назорат ўрнатсин.

13. Сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Солиқ қўмитаси 2024 йил 1 февралга қадар қўйидагиларни назарда тутувчи «Сув етказиб бериш хизмати» давлат муассасаларининг фаолиятини ташкил қилиш тўғрисидаги низом лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

Сув етказиб бериш хизматларининг фаолияти тегишлилиги бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва ирригация тизимлари хавза бошқармалари томонидан мувофиқлаштирилиши;

Сув етказиб бериш хизматлари фаолиятини ташкил этиш учун тегишли туман бюджетларидан маблағлар алоҳида шахсий ғазна ҳисобварақларига харажатлар таснифининг бир сатрида ажратилиши ва Сув етказиб бериш хизматининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича шахсий ғазна ҳисобварақига ўтказилиши;

Сув етказиб бериш хизматлари тузилмаси ва штат бирликлари сони, тизим учун белгиланган нормативлардан қатъи назар, Сув хўжалиги вазирлиги томонидан Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланиши;

Сув етказиб бериш хизматларига ажратилган маблағлардан фойдаланиш тартиби, шу жумладан, ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш миқдори ва улар фаолиятининг самарадорлик мезонларига асосланган рағбатлантириш тартиби Сув хўжалиги вазирлиги томонидан Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланиши;

туман (Қувасой шаҳар) учун олинган сув ҳажми ҳамда якуний истеъмолчиларга етказилган сув ҳажми орасидаги фарққа (сув йўқотишлари) қараб Сув етказиб бериш хизматлари ходимларини рағбатлантириш механизми.

14. Сув хўжалиги вазирлиги (Ш. Хамраев), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (А. Назаров), Кадастр агентлиги (Ф. Пулатов), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси (Л. Умурзоқов), Адлия вазирлиги (Ш. Рабиев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари 2024 йил 1 июлга қадар барча суғориш тармоқларининг хатловдан ўтказилишини ташкил қилсин ҳамда уларнинг тегишлилиги бўйича балансга берилиши ва кадастр ҳужжатлари расмийлаштирилиши, шунингдек, рақамли технологиялар асосида ҳар бир суғориш тармоғини классификациялаш ва идентификациялаш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин, бунда:

ҳар бир туман (Қувасой шаҳар) ҳокими ўз ҳудудидаги суғориш тармоқларини хатловдан ўтказишга масъул этиб белгилансин;

туман (Қувасой шаҳар) адлия бўлимлари суғориш тармоқларини тегишлилиги бўйича бириктириш жараёнини ҳуқуқий жиҳатдан таъминласин.

15. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (А. Бобоев) Солиқ қўмитаси (Ш. Кудбиев), Сув хўжалиги вазирлиги (Ш. Хамраев) ва Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (А. Назаров) билан биргаликда 2025 йил якунига қадар 2027 — 2029 йилларда лазерли текисланмаган суғориладиган майдонларга нисбатан ер ва сув со-

лиғи ставкаларини босқичма-босқич бир ярим баробардан тўрт баробаргача ошириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига таклиф киритсин.

Бунда, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан ер текислагич агрегатларни сотиб олиш харажатларининг 30 фоизини қоплаб бериш механизми давом эттирилиши маълумот учун қабул қилинсин.

16. Қўйи бўғинда сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича «Йўл харитаси» 1-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига 2-иловага\* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

18. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб сув хўжалиги вазири Ш.Р. Хамраев белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ж.А. Ходжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 5 январь,  
ПҚ-5-сон

---

\* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

#### **7 Ўзбекистон Республикасида дастурий бюджетлаштириш тизимини жорий этишда бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг бюджет дастурларини ишлаб чиқиш, мониторингини юритиш ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида\***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг «2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2022 йил 30 декабрдаги ПҚ–471-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, бюджет маблағлари самарадорлигини баҳолашнинг мақсадли кўрсаткичларини жорий этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Куйидагиларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикасида дастурий бюджетлаштириш тизимини жорий этишда бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг бюджет дастурларини ишлаб чиқиш, мониторингини юритиш ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин:

дастурий бюджетлаштириш тизимини жорий этишда бюджет дастурларини ишлаб чиқиш тартиби ва муддатлари;

бюджет дастурлари мақсадли индикаторларининг таркиби ва уларга қўйиладиган талаблар;

бюджет дастурларини молиялаштириш манбалари;

бюджет дастурларининг ижросини таъминлаш ва мониторингини юритиш, шунингдек, уларнинг ижроси бўйича ҳисоботлар тайёрлаш;

бюджет дастурлари самарадорлигини баҳолаш ва уларнинг ижроси тўғрисидаги маълумотлар очиқлигини таъминлаш.

2. Белгилансинки, куйидагилар бюджет дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг устувор йўналишлари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ҳар йили ажратиладиган маблағлар доирасида аниқ мақсадлар ва натижаларга қаратилган сифат ҳамда миқдор кўрсаткичларини (индикаторларини) шакллантириш;

бюджет лойиҳасини тузишда ва қабул қилишда бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг молиявий мустақиллигини ошириш;

бюджет дастурларининг ижроси бўйича масъул бюджет маблағлари тақсимловчиларнинг жамоатчилик олдидаги ҳисобдорлигини ошириш;

ижтимоий-иқтисодий йўналишларда белгиланган стратегик мақсад ва ва-

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 5 январда эълон қилинган.

зифалардан келиб чиқиб, амалга ошириладиган чора-тадбирларнинг натижадорлигини таҳлил қилиш ва баҳолаш.

3. Биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар:

бюджет дастурлари ўрта муддатли давр учун соҳани ривожлантириш дастурлари (концепция ва стратегиялар), Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, шунингдек, миллий барқарор ривожланиш мақсадларида белгиланган мақсад ва вазифаларга мувофиқ ишлаб чиқилишини;

ҳар йили 1 майга қадар ўрта муддатли давр учун бюджет дастурларининг дастлабки рўйхати ва ҳисоб-китоблари, шунингдек, уларнинг якуний лойиҳаси ҳар йили 1 августга қадар Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим этилишини;

ҳар чорак якуни бўйича вазирлик ва идораларнинг ички аудит хизматлари томонидан бюджет дастурларининг ижроси баҳоланиши;

бюджет дастурларининг ижроси ва уларни баҳолаш натижалари тўғрисидаги ҳисоботлари ҳар чорак якуни билан кейинги ойнинг 20-санасига қадар Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим этилишини таъминласин.

Бунда бюджет дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, мониторингини юритиш ва ҳисоботларни тайёрлаш билан боғлиқ жараёнларни мувофиқлаштириш учун масъул этиб биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг тегишли раҳбар ўринбосари бириктирилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети лойиҳаси биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратилган маблағларнинг чекланган миқдорлари ва бюджет дастурлари кесимида ишлаб чиқилишини;

2024 йил 1 сентябрга қадар «UzASBO» дастурий мажмуасида бюджет дастурларини шакллантириш, тасдиқлаш, рўйхатга олиш ва уларни ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни электрон шаклда амалга оширилишини;

2024 йил 1 ноябрга қадар «Очиқ бюджет» ахборот порталида биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг бюджет дастурлари ижроси тўғрисидаги ҳисоботларини кенг жамоатчиликка етказиш тартиби жорий этилишини таъминласин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 4 январь,  
4-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2024 йил 4 январдаги 4-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасида дастурий бюджетлаштириш  
тизимини жорий этишда бюджет маблағларини  
тақсимловчиларнинг бюджет дастурларини ишлаб чиқиш,  
мониторингини юритиш ва уларнинг самарадорлигини  
баҳолаш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасида дастурий бюджетлаштириш тизимини жорий этишда биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар (кейинги ўринларда — маблағ тақсимловчи органлар) томонидан бюджет ташкилотлари ва бюджетдан маблағ олувчиларнинг ижтимоий ҳамда иқтисодий вазифа ва функцияларини амалга оширишга қаратилган бюджет дастурларини ишлаб чиқиш, мониторингини юритиш ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш тартибини белгилайди.

Мазкур Низом талаблари Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурларига нисбатан татбиқ этилмайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги тушунчалар қўлланилади:

**бевосита натижа кўрсаткичи** — бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар ва ҳар бир тадбир учун сотиб олинган товарлар ҳажмини тавсифловчи миқдор кўрсаткичи;

**бюджет дастури** — бюджет тизими бюджетлари ҳисобидан молиялаштириладиган аниқ вазифаларни бажариш ва стратегик ривожланиш ҳужжатларида белгиланган мақсадларга эришишга қаратилган қуйи дастурлар ва/ёки тадбирлар мажмуи;

**дастурий бюджетлаштириш** — бюджет тизими бюджетлари харажатларини бюджет дастурларига асосан режалаштириш, ижросини таъминлаш, назорат қилиш ва ҳисобот тизими;

**мақсадли индикаторлар** — бюджет дастурларида белгиланган мақсадларга пировардида эришиладиган ва бевосита натижаларни белгилаб берувчи яқуний кўрсаткичлар;

**тадбир** — бюджет дастури ёки қуйи дастурнинг иш ва хизматни (муайян муаммони) ҳал қилишга қаратилган битта тадбирни ўз ичига оладиган бир қисми;

**қуйи дастур** — бюджет дастурининг муайян натижага эришишга йўналтирилган фаолиятнинг ўзаро боғлиқ йўналишлари бўйича бир нечта тадбирлар мажмуидан иборат таркибий қисми;

**яқуний натижа кўрсаткичи** — эришиладиган асосий мақсадни тав-

сифловчи кўрсаткич бўлиб, маблағ тақсимловчи органларнинг фаолияти бўйича сифат ва миқдор ўзгаришларини акс эттиради.

3. Бюджет дастурларининг мақсадли индикаторлари қуйидаги тамойиллар асосида шакллантирилади:

натижадорлик — бюджет дастурларининг пировардида эришиладиган мақсадларга йўналтирилганлиги;

тушунарлилик — индикаторлар моҳияти мутахассислар томонидан ҳам хизматларнинг якуний фойдаланувчилари, шу жумладан, алоҳида истеъмолчилар учун ҳам тушунарли бўлиши лозим, шу муносабат билан нисбатан мураккаб кўрсаткичлардан фойдаланиш тавсия этилмайди;

объективлик — пировардида эришиладиган натижаларни аниқ акс эттириш ва уларнинг ўлчаниши мавҳум (абстракт) бўлмаслиги;

иқтисодий самарадорлик — ҳисобот маълумотларини олишда кам харажат билан амалга оширилиши, маълумотларни тўплашнинг мавжуд тизимларига максимал даражада асосланиши лозим;

қиёсийлик — индикаторларни танлаш маълумотларнинг узлуксиз тўпланиши ва маълум даврлар учун ўхшаш (боғлиқ) вазифаларни ҳал этишда эришилган ютуқларни баҳолаш учун фойдаланиладиган кўрсаткичлар, шунингдек, халқаро амалиётда қўлланиладиган кўрсаткичлар билан таққослашни таъминлаши лозим;

очиқлик — индикаторларни ишлаб чиқишда фуқаролар ва кенг жамоатчиликнинг фаол иштирок этиши мумкинлиги;

баҳолаш имконининг мавжудлиги — мақсадли индикаторларни баҳолаш (ҳисоблаш) имконининг мавжудлиги.

Бюджет дастурларининг мақсадли индикаторлари Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ва маблағ тақсимловчи органларнинг стратегик мақсадлари ва концепцияларига мувофиқ ишлаб чиқилади.

4. Бюджет дастурини ишлаб чиқиш, ижросини таъминлаш, ҳисоботини тузиш ва баҳолаш мазкур Низомга 1-иловада\* келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

2-боб. Бюджет дастурларини ишлаб чиқиш тартиби

5. Бюджет дастурлари маблағ тақсимловчи органларнинг ўрта муддатли давр учун соҳани ривожлантириш дастурлари (концепция ва стратегия) Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, шунингдек, миллий барқарор ривожланиш мақсадларида белгиланган мақсад ва вазифалар асосида ишлаб чиқилади.

Бунда бюджет дастурлари маблағ тақсимловчи органларнинг мақсад ва функционал вазифаларидан келиб чиқиб, битта ёки бир нечтадан бюджет дастуридан иборат бўлиши мумкин.

6. Бюджет дастурини ишлаб чиқиш учун маблағ тақсимловчи орган томонидан ишчи гуруҳ тузилиб, унинг таркибида стратегик режалаштириш,

\* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

соҳа мутахассислари ҳамда иқтисод ва молиялаштириш йўналишлари бўйича ходимлар жалб этилади.

Бунда ишчи гуруҳ фаолиятини бошқариш маблағ тақсимловчи органнинг раҳбари ёки раҳбар ўринбосарига юкланади.

7. Бюджет дастурлари қуйидаги асосий тамойилларга мувофиқ шакллантирилади:

мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига, шунингдек, маблағ тақсимловчи органларнинг ваколатлари ва вазифаларига мос келиши;

юрidik ва жисмоний шахсларга кўрсатиладиган хизматларга йўналтирилган бўлиши ва унинг номи тақдим этилаётган хизматни кўрсатиши;

мақсад ва вазифаларга эга бўлиши, бунда мақсад ва вазифалар аниқ, тушунарли ва ҳақиқатда эриша оладиган бўлиши, турли хил дастурлар ўртасида такрорланиш бўлмаслиги, шунингдек, ҳар бир дастурнинг мақсади аниқ белгиланган бўлиши ва мақсадли индикаторлар билан ўлчаниши;

мақсадли индикаторлар ҳақиқатда ижро ҳолати, жорий даврдаги кутилаётган ижро ва ўрта муддатли прогнозларни ўз ичига олиши;

мақсадларга эришиш учун ресурсларга (мутахассисларга, ускуналар, товар ва материаллар, бинолар ва бошқалар) бўлган эҳтиёжни асослаш;

бюджет дастурини амалга ошириш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган барча хавф-хатарлар ҳисобга олиниши;

бошқариш тизимини аниқлаш (чора-тадбирлар режаси) бўлинмаларининг ваколатлари ва мажбуриятларини белгилаш.

8. Маблағ тақсимловчи органлар томонидан ишлаб чиқиладиган бюджет дастури таркибига қуйидагилар киради:

мазкур Низомга 2-иловада\* келтирилган шаклдаги Бюджет дастурининг мундарижаси;

мазкур Низомга 3-иловада\* келтирилган шаклдаги Бюджет дастурининг паспорти;

мазкур Низомга 4-иловада\* келтирилган шаклдаги Бюджет дастурининг тавсифи.

9. Бюджет дастури мундарижаси бюджет дастурининг таркибий қисмларини ўзида мужассамлаштириб, саҳифалар рақамини ифода этади.

10. Бюджет дастури паспорти бюджет дастурининг мақсад ва вазифалари, муддати, қуйи дастур ва тадбирлар номи, молиялаштириш ҳажмлари ва манбалари, шунингдек, бошқа алоҳида хусусиятлар тўғрисидаги умумлаштирилган маълумотларни ўз ичига олувчи шакл ҳисобланади.

11. Бюджет дастури тавсифи бюджет дастурининг батафсил ёритилган қуйидаги маълумотларини ўз ичига олувчи шакл ҳисобланади:

бюджет дастури орқали ҳал қилинадиган муаммолар тавсифи;

бюджет дастурининг мақсади, вазифалари ва кутилаётган натижалари, шу жумладан, ижтимоий, иқтисодий, экологик ва бошқа оқибатлари;

бюджет дастурининг қуйи дастур ва тадбирлари тавсифи, шунингдек, уларни амалга ошириш муддатлари;

\* 2 — 4-илвалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ресурсларга бўлган талабларнинг батафсил ҳисоб-китоби ва бюджет дастурини молиялаштириш манбалари ва ҳажмларини таъминлаш учун таклиф этилаётган дастур тадбирларининг рўйхати ва тавсифи;

бюджет дастури ижросини таъминлаш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар.

Бунда маблағ тақсимловчи органлар томонидан бюджет дастури тавсифи мазкур Низомга 4а — 4в-иловаларда\* келтирилган шаклларда тузилади.

12. Бюджет дастури тавсифида бюджет дастурини молиялаштириш манбалари ва ҳажмларини акс эттиришда қуйидагилар инобатга олинади:

ҳар бир қўйи дастур ва тадбирлар бўйича молиялаштириш манбалари (республика бюджети, маҳаллий бюджетлар, давлат мақсадли жамғармалари ва бюджетдан ташқари бошқа жамғармалар) аниқ кўрсатилиши;

маблағларни сарфлаш йўналишлари (жорий харажатлар, субсидиялар ва трансфертлар) белгиланиши;

ҳар бир қўйи дастур ва тадбирларни амалга ошириш учун зарур бўлган маблағлар миқдори бюджет харажатларининг гуруҳлари бўйича тақсимланиши.

Бюджет дастурини ишлаб чиқишда ресурсларга бўлган эҳтиёжни асослаш учун маълумотлар ёки соҳа йўналишлари ва хусусиятларидан келиб чиқиб, бюджет дастурига қўшимча ҳисоб-китоб жадваллари илова қилиниши мумкин.

13. Бюджет дастурини ишлаб чиқишда:

ушбу мақсадни амалга ошириш билан боғлиқ фаолият соҳасида касбий билимга эга бўлмаган шахслар томонидан тушунишни қийинлаштирадиган махсус атамаларни қўллашга;

ноаниқ талқин қилиш имконини берувчи атамалар ва иборалардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

14. Бюджет маблағларини тақсимловчи органларнинг бюджет дастурларининг тузилмасида раҳбарият, департамент, бошқарма ва бўлинмаларнинг асосий бюджет дастурлари бўйича тақсимлаш имкони бўлмаган функцияларини бажариш учун харажатларни қамраб олган «Маъмурий ва бошқарув» стандарт бюджет дастури (жорий харажатларни қамраб олувчи) ишлаб чиқилади ҳамда Бюджет дастурлари рўйхатида биринчи бўлиб акс эттирилади.

Ушбу дастур бошқа дастурларни амалга оширишда ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва бошқа стратегик мақсадларни ижросини таъминлаш вази-фасини бажаради.

«Маъмурий ва бошқарув» бюджет дастури кичик дастур ва/ёки тадбирлардан иборат бўлиб, қуйидагиларни ўз ичига олади:

маъмурий бошқарув ходимлари, молиявий хизмат, инсон ресурсларини бошқариш, халқаро муносабатлар, юридик хизмат, ички аудит хизмати, жамоатчилик билан алоқалар хизматлари, матбуот котиблари, техник ходимлар ва бошқа тегишли бўлинмаларнинг ойлик иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ҳамда иш ҳақиға қўшимчалар;

маблағ тақсимловчи органларни сақлаш харажатлари ва бошқалар.

\* 4а — 4в-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

15. Қўйидагилар бюджет дастурларининг молиялаштириш ва биргаликда молиялаштириш манбалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;  
бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари;  
давлат мақсадли жамғармалари маблағлари;  
халқаро молия институтлари ва ташкилотларининг грантлари;  
қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

Бюджет дастурларининг республика бюджетидан ажратиладиган маблағлар миқдори маблағ тақсимловчи органга ўрта муддатли давр учун фискал стратегияда белгиланган маблағларнинг чекланган миқдоридан ошмаслиги лозим.

16. Мақсадли индикаторларнинг прогноз кўрсаткичлари ҳар бир бюджет дастури учун ишлаб чиқиладиган мақсадли индикаторлар, тури, номи, таъриф/тавсифи, баҳолаш (ҳисоблаш) услубиёти, ўлчов бирлиги, ҳақиқатда ижроси, қутилаётган ижроси ва ўрта муддатли давр прогнози, статистик манбаи, маълумотларни тўплаш ва узатиш даврийлиги, масъул ижрочи тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади.

### **3-боб. Бюджет дастурларини тасдиқлаш ва уларга ўзгартириш киритиш тартиби**

17. Маблағ тақсимловчи органлар ҳар йили 1 майга қадар Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари, шунингдек, давлат дастурлари ва барқарор ривожланиш мақсадлари асосида ўрта муддатли давр учун бюджет дастурларининг дастлабки рўйхатини ва ҳисоб-китобларни Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигига (кейинги ўринларда — Иқтисодиёт ва молия вазирлиги) тақдим этади.

18. Фискал стратегия Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланганидан сўнг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги беш иш куни ичида маблағ тақсимловчи органларга келгуси йил учун бюджет харажатларининг чекланган миқдорларини юборади.

19. Бюджет дастурлари ўрта муддатли давр учун фискал стратегияда назарда тутилган келгуси молия йили учун бюджет харажатларининг чекланган миқдорлари ва кейинги икки йил учун мўлжаллар доирасида шакллантирилади.

20. Маблағ тақсимловчи органлар ҳар йили 1 августга қадар ўрта муддатли давр учун бюджет дастурларининг лойиҳасини ишлаб чиқиб, Иқтисодиёт ва молия вазирлигига киритади.

21. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳар йили 25 августга қадар маблағ тақсимловчи органлар билан биргаликда бюджет дастурлари лойиҳаларини кўриб чиқади ва муҳокама қилади.

Бунда бюджет дастурлари учун талаб этиладиган маблағлар миқдори билан келгуси йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети тўғрисидаги Қонуни (кейинги ўринларда — Қонун) лойиҳасида назарда тутилган тегишли харажатларнинг чекланган миқдори ўртасидаги номуносивлик

юзага келганда, унга Вазирлар Маҳкамаси томонидан манфаатдор маблағ тақсимловчи органлар раҳбарлари иштирокида аниқлик киритилади.

22. Қонун тасдиқлангандан сўнг маблағ тақсимловчи органлар беш иш куни ичида тасдиқланган бюджет параметрларига мувофиқ бюджет дастурларини қайта кўриб чиқади ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигига рўйхатдан ўтказиш учун ушбу Низомга 5-иловага\* мувофиқ шаклда тақдим этади.

23. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги беш иш кунда бюджет дастурларини рўйхатдан ўтказиши ва маблағ тақсимловчи органларга ижро учун юборади.

24. Молия йили даврида Қонунга ўзгартиришлар киритилганда ёки маблағ тақсимловчи органларнинг бюджет дастурлари учун ажратилган маблағлар қайта тақсимланганда, маблағ тақсимловчи органлар томонидан беш иш куни ичида бюджет дастурларига тегишли ўзгартиришлар киритилади ҳамда мазкур Низомга 2 — 4 ва 6-7-иловаларга\* мувофиқ Иқтисодиёт ва молия вазирлигига рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этади.

25. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги 5 иш куни ичида маблағ тақсимловчи органларнинг ўзгартирилган бюджет дастурларини кўриб чиқиб, рўйхатдан ўтказиши ёки қайта ишлаш учун маблағ тақсимловчи органларга юборади.

#### **4-боб. Бюджет дастурининг ижроси ва унинг мониторингини юритиш тартиби**

26. Ҳар бир бюджет дастурига маблағ тақсимловчи органнинг буйруғи ёки қарори билан масъул шахс (кейинги ўринларда — администратор) таъинланади ҳамда бюджет дастурларининг ижросини таъминлаш ва мониторингини юритиш учун мазкур Низомга 8-иловада\* келтирилган намунавий жадвалга мувофиқ чора-тадбирлар режаси тасдиқланади.

Бунда бюджет дастури администраторига бюджет дастури ижросини таъминлаш, мониторингини юритиш, ўз вақтида ҳисоботларни тузиш, тадбирлар учун ажратилган маблағларнинг ўз вақтида самарали ва мақсадли сарфланишини назорат қилиш вазифаси юкланади.

Бюджет дастурининг ижроси бўйича ҳар бир иштирокчининг функциялари, вазифалари ва мажбуриятларини батафсил тавсифлаш зарур, шу жумладан:

бюджет дастурини умумий амалга оширувчи ва тасдиқланган мақсадли индикаторларга эришишни таъминловчи бўлинма ёки идора;

қўйи дастур ва тадбирларни амалга ошириш кўрсаткичларига эришиш ва ажратилган ресурслардан мақсадли фойдаланишни таъминлайдиган масъул ижрочилар;

бюджет дастури ижросини назорат қилувчи бўлинма ёки идора;

бюджет дастурини амалга ошириш жараёни бўйича ҳисобот тизимлари (бошқарув, бухгалтерия ва статистика).

27. Маблағ тақсимловчи орган томонидан ишлаб чиқиладиган бюджет дастурларининг ижросини таъминлаш ва мониторингини юритиш чора-тадбирлар режасида қўйидаги тадбирлар акс эттирилади:

\* 5 — 8-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

хар бир бюджет дастурининг ижроси бўйича тизимли равишда мониторинг юритиш;

бюджет дастурларнинг ижроси бўйича ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 10-санасига қадар чораклик ва ҳар йили январь ойнинг 20-санасига қадар йиллик ҳисоботларни шакллантириш;

бюджет дастурлари ижросини назорат қилиш ҳамда уларнинг белгиланган муддатларда сифатли бажарилишини таъминлаш.

Шунингдек, администратор бюджет дастурларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда келиб чиқадиган муаммоли масалаларни ҳал этиш бўйича аниқ таклифларни маблағ тақсимловчи органнинг раҳбариятига киритиб боради.

28. Маблағ тақсимловчи органнинг раҳбари томонидан бюджет дастурларининг ижроси бўйича ҳисоботларни умумлаштириш вазифаси молия-иқтисодиёт ишлари бўйича таркибий бўлинмага ёки алоҳида таркибий бўлинмага (кейинги ўринларда — таркибий бўлинма) юкланиши мумкин.

### **5-боб. Бюджет дастурларининг ижроси бўйича жамланма ҳисоботни тузиш ва тақдим этиш тартиби**

29. Бюджет дастурларининг ижроси бўйича жамланма ҳисобот (кейинги ўринларда — ҳисобот) маблағ тақсимловчи органлар томонидан мазкур Низомга 9-иловага\* мувофиқ шаклда тузилади.

30. Бюджет дастурларининг ижроси бўйича ҳисоботга тушунтириш хати мазкур Низомга 10-иловада\* келтирилган намунавий шаклга мувофиқ тузилади ҳамда унда қуйидаги маълумотлар акс этирилади:

бюджет дастурининг ижроси бўйича қисқача йиғма таҳлили;

бюджет дастурининг йўналишлари бўйича ҳисобот давридаги тадбирларнинг ижроси ҳолати;

бюджет дастурининг йил давомида амалга оширилиши бўйича белгиланган чора-тадбирлар юзасидан ҳисобот даврида бажарилган ишлар тўғрисидаги таҳлил;

бюджет дастурининг мақсадли индикаторлари ижросининг тавсифи;

бюджет дастурининг ижросини таъминлаш учун ажратилган маблағларнинг мақсадли йўналтирилганлиги ҳамда уларни ўзлаштириш ҳолати.

31. Маблағ тақсимловчи органларнинг тегишли таркибий бўлинмаси бюджет дастурларининг чорак ва йиллик ижроси бўйича ҳисоботни умумлаштиригандан сўнг беш иш кuni ичида баҳолаш учун ички аудит хизматига тақдим этади.

32. Маблағ тақсимловчи органлар бюджет дастурларининг ижроси бўйича чораклик ҳисоботларни электрон шаклда ҳисобот чораги якуни билан кейинги ойнинг 20-санасига қадар ҳамда йиллик ҳисоботни ички аудит хизматининг баҳолаш маълумотномаси билан бирга ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 20 февралига қадар Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим этади.

33. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги маблағ тақсимловчи органлар томо-

\* 6-7-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

нидан бюджет дастурларининг ижроси юзасидан тақдим этилган ҳисоботларни Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот билан биргалликда бюджет қонунчилигида белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига тақдим этади.

### **6-боб. Бюджет дастурининг ижросини баҳолаш тартиби**

34. Маблағ тақсимловчи органларнинг бюджет дастурларининг ижроси бўйича ҳисоботлари маблағ тақсимловчи органларнинг ички аудит хизмати томонидан чораклик ва йиллик шаклда баҳоланади. Чораклик жамланма ҳисобот ҳисобот чораги якуни билан кейинги ойнинг 20-санасига қадар, йиллик баҳолаш ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 февралига қадар амалга оширилади.

Бунда бюджет дастурларининг ижроси мақсадли индикаторларнинг ижроси билан баҳоланади.

35. Ички аудит хизмати томонидан бюджет дастурларининг ижросини баҳолашнинг холислиги ва ишончилигини таъминлаш, соҳа фаолиятида манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик мақсадида ички аудит хизмати ходимларини бюджет дастурларининг ижроси ва мониторингини юритиш ҳамда уларнинг ижроси бўйича ҳисоботни тузиш жараёнларига жалб этишга йўл қўйилмайди.

36. Бюджет дастурларининг ижроси ички аудит хизмати томонидан қуйидаги йўналишларда баҳоланади:

ҳисоботда келтирилган мақсадли индикаторларнинг тўлиқлиги ва белгиланган талабларга мувофиқлиги, шунингдек, уларнинг ижроси тўғрисида маълумотлар акс эттирилганлигини ўрганиш;

маблағ тақсимловчи орган томонидан бюджет маблағларини бир бюджет дастуридан бошқа бюджет дастурига қайта тақсимлаш жараёнида бюджет дастурларидаги ўзгаришларнинг тўғри шакллантирилганлигини таҳлил қилиш;

бюджет дастурларининг ижроси бўйича ҳисоботларнинг ҳаққонийлиги ва кўрсаткичларни статистика маълумотларига мувофиқ шакллантирилганлиги;

давлат молиявий назорати органлари томонидан бюджет дастурлари ижроси юзасидан ўтказилган назорат тадбирларида аниқланган камчиликларнинг бартараф этилиши ҳамда берилган таклиф ва тавсиялар бўйича амалга оширилган ишларни ўрганиш;

ички аудит хизмати томонидан аввалги баҳолаш натижалари асосида берилган таклиф ва тавсияларнинг бажарилиши ҳамда унинг натижаларини таҳлил қилиш;

масъул бўлинмалар томонидан тайёрланган мақсадли индикаторларнинг ижроси тўғрисидаги маълумотларни таҳлил қилиш.

37. Ички аудит хизматлари бюджет дастурларининг ижросини баҳолаш натижалари бўйича маълумотнома расмийлаштиради.

Бунда мазкур маълумотномада бюджет дастурлари ижросини баҳолаш

натижалари бўйича қуйидаги мезонлар асосида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқади:

бюджет дастурларида белгиланган мақсадли индикаторларнинг бажарилиши бўйича аниқланган камчиликлар, муаммоли ҳолатлар ва уларнинг бар-тараф этилиши;

мақсадли индикаторларнинг бажарилмаслик хавфлари бўйича маълумотлар ва уларни бар-тараф этиш имкониятлари;

мақсадли индикаторлар ижросини бюджетдан ажратилган маблағларга боғлаш имкониятлари;

бюджет маблағларидан янада самарали ва натижали фойдаланишни ташкил этиш мақсадида янги мақсадли индикаторларни ишлаб чиқиш ҳамда бошқа таклиф ва тавсиялар.

### **7-боб. Бюджет дастурининг очиқлигини таъминлаш**

38. Маблағ тақсимловчи органлар бюджет дастурларини рўйхатдан ўтказилгандан сўнг ўн иш куни ичида ўзларининг расмий веб-сайтларига жойлаштиради.

39. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги тасдиқланган бюджет дастурларини ўн иш куни ичида «Очиқ бюджет» порталида эълон қилади.

40. Маблағ тақсимловчи органлар томонидан бюджет дастурларининг ижроси бўйича чораклик ва йиллик ҳисоботларни кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида қуйидаги муддатларда ўз расмий веб-сайтларига жойлаштиради:

чораклик ҳисоботлар ва ички аудит хизматларининг баҳолаш хулосалари — ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 30-санасига қадар;

йиллик ҳисоботлар ва ички аудит хизматларининг баҳолаш хулосалари — ҳар йили февраль ойининг 25-санасига қадар.

41. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги маблағ тақсимловчи органлар томонидан тақдим этилган бюджет дастурларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни ўн иш куни ичида «Очиқ бюджет» ахборот порталига жойлаштиради.

### **8-боб. Яқунловчи қоидалар**

42. Бюджет дастурларига Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланиши устидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда молиявий назорат ўрнатилади.

43. Ушбу Низом талабларининг бузилиши ҳамда бюджет дастурларининг ижросида камчиликларга йўл қўйган масъул шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### **8 Мулк ҳуқуқининг дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирлар белгиланганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида\***

Сўнги йилларда мамлакатимизда мулк ҳуқуқи дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш ва давлат органларининг мулкӣ муносабатларга ноқонуний аралашувини чеклаш борасида кенг қўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Мазкур ислоҳотлар доирасида хусусий мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқини бевосита ёки билвосита чеклашни назарда тутувчи ҳамда мулкӣ муносабатларда бозор иқтисодиёти тамойилларини тўлиқ жорий этишга тўсқинлик қилувчи мавжуд тартиблар, талаблар ва чекловлар бекор қилинди.

Шу билан бирга, ер участкалари жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан зарарларнинг ўрнини Жисмоний ва юридик шахсларга етказилган мулкӣ зарарларни компенсация қилиш бўйича мақсадли жамғармалар томонидан қопланиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни мувофиқлаштириш талаб этилмоқда.

Жисмоний ва юридик шахсларга етказилган мулкӣ зарарларни компенсация қилиш тизимини такомиллаштириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мулк ҳуқуқининг дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш, мулкӣ муносабатларга асоссиз аралашувга йўл қўймаслик, хусусий мулкнинг капиталлашув даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2022 йил 24 августдаги ПФ–198-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мулк ҳуқуқининг дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш, мулкӣ муносабатларга асоссиз аралашувга йўл қўймаслик, хусусий мулкнинг капиталлашув даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2022 йил 24 августдаги ПФ–198-сон Фармони билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган мулкӣ зарарни қоплаш тартиби янада такомиллаштирилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига қуйидагиларни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

Давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш бўйича марказлаштирилган жамғармаларни Жисмоний ва юридик шахсларга етказилган мулкӣ зарарларни компенсация қилиш бўйича мақсадли жамғармалар этиб қайта номлаш;

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 10 январда эълон қилинган.

турар жойга нисбатан мулкый ҳуқуқларга ёки турар жой мулкдори билан қариндошлик алоқаларига эга бўлмаган шахсларни ушбу турар жойдан доимий рўйхатдан чиқариш учун уларнинг розилигини олиш тартибини бекор қилиш;

жисмоний ва юридик шахсларга етказилган мулкый зарарларни компенсация қилиш тартибини белгилаш.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров ҳамда Ўзбекистон Республикаси адлия вазири А.Д. Ташкулов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 5 январь,  
9-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2024 йил 5 январдаги 9-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига  
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 15 июлдаги 200-сон қарори билан тасдиқланган Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 53-банднинг 1 — 6-кичик бандларидаги «Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар, Тошкент шаҳри бўйича мазкур маблағлар Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети ва Ўзбекистон Республикаси республика бюджети ўртасида тенг улушларда тақсимланади» сўзлари «Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги Жисмоний ва юридик шахсларга етказилган мулкый зарарларни компенсация қилиш бўйича ҳудудий мақсадли жамғармаларга» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 54-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар, Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари ва Ўзбекистон Республикаси республика бюджети маҳаллий бюджетлари шахсий ғазна» сўзлари «Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги Жисмоний ва юридик шахсларга етказилган мулкый зарарларни компенсация қилиш бўйича ҳудудий мақсадли жамғармалар» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 13 майдаги 120-сон қарори билан тасдиқланган Ижро ҳужжатлари бўйича ундирувни Ўзбекистон Республика-

сининг Давлат бюджети маблағларига ва бюджет ташкилотларининг молиявий мажбуриятларига қаратиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 6-банд «бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади» сўзларидан кейин «, мазкур Низомнинг 61-бандида кўрсатилган жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарлар бундан мустасно» сўзлари билан тўлдирилсин;

б) қуйидаги мазмундаги 61-банд билан тўлдирилсин:

«61. Жисмоний ва юридик шахсларга етказилган қуйидаги зарарлар (кейинги ўринларда — мулкӣ ва маънавий зарарлар) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги Жисмоний ва юридик шахсларга етказилган мулкӣ зарарларни компенсация қилиш бўйича ҳудудий мақсадли жамғармалари маблағлари ҳисобидан қопланади:

кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестрига ноқонуний ёки ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларнинг киритилиши натижасида уларга ишониб ҳаракат қилган жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарлар;

давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари ва хизматчиларининг қонунга хилоф деб топилган қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида жисмоний ва юридик шахсларга етказилган ва суднинг қонуний кучга кирган қарори билан аниқланган зарарлар;

терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар, суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ва суднинг қонунга хилоф деб топилган ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли етказилган зарар ва маънавий зиёнлар;

турар жой инсофли эгалловчидан қонунчиликда белгиланган тартибда талаб қилиб олинишига йўл қўйилмаслиги натижасида мулкдорга етказилган зарар»;

в) 7-банднинг олтинчи хатбошиси «режали бюджет маблағлари» сўзларидан кейин «ҳамда Жисмоний ва юридик шахсларга етказилган мулкӣ зарарларни компенсация қилиш бўйича мақсадли жамғармалар маблағлари» сўзлари билан тўлдирилсин;

г) қуйидаги мазмундаги 71-банд билан тўлдирилсин:

«71. Мулкӣ ва маънавий зарарларга оид ижро ҳужжатлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги Жисмоний ва юридик шахсларга етказилган мулкӣ зарарларни компенсация қилиш бўйича ҳудудий мақсадли жамғармалардан маблағлар олиш учун ижро ҳужжатида кимнинг фойдасига тегишли маблағлар ўтказилиши назарда тутилган бўлса, ўша шахслар ёхуд уларнинг вакиллари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига мурожаат қилдилар.

Бунда мулкӣ ва маънавий зарарларга оид ижро ҳужжатларини ижросини таъминлаш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 декабрдаги 1047-сон қарори билан тасдиқланган Жисмоний ва юридик шахсларга етказилган мулкӣ зарарларни компенсация қилиш бўйича республика ва

худудий мақсадли жамғармалар маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилади».

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 октябрдаги 845-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини доимий яшаш жойи ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 15-банди учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«мулкдорнинг аризасига кўра — турар жойга нисбатан мулккий ҳуқуқларга ёки мулкдор билан қариндошлик алоқаларига эга бўлмаган шахслар (ушбу шахсларнинг уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқи суд томонидан белгиланган ҳолатлар ёки тарафлар ўртасида бошқача келишув мавжуд бўлган ҳолатлар бундан мустасно) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексида белгиланган бир киши учун турар жой майдонининг ижтимоий нормаси тўғрисидаги қоидалар асосида доимий рўйхатга олинган фуқаролар».

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш бўйича марказлаштирилган жамғармалар маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2018 йил 26 декабрдаги 1047-сон қарорида:

а) қарорнинг номидаги «Давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш бўйича марказлаштирилган жамғармалар» сўзлари «Жисмоний ва юридик шахсларга етказилган мулккий зарарларни компенсация қилиш бўйича мақсадли жамғармалар» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-банддаги «Вазирлар Маҳкамасининг давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш бўйича марказлаштирилган жамғармаси» сўзлари «Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Жисмоний ва юридик шахсларга етказилган мулккий зарарларни компенсация қилиш бўйича республика мақсадли жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 2-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Жисмоний ва юридик шахсларга етказилган мулккий зарарларни компенсация қилиш бўйича мақсадли жамғармалар маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин»;

г) илованинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«Жисмоний ва юридик шахсларга етказилган мулк  
зарарларни компенсация қилиш бўйича республика ва  
худудий мақсадли жамғармалар маблағларини шакллантириш  
ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом жисмоний ва юридик шахсларга етказилган мулк зарарларни компенсация қилиш бўйича республика ва худудий мақсадли жамғармалар маблағларини шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартибини белгилайди.

2. Жисмоний ва юридик шахсларга етказилган мулк зарарларни компенсация қилиш бўйича республика ва худудий мақсадли жамғармалар юридик шахс ҳисобланмайди.

Бунда республика даражасида — Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Жисмоний ва юридик шахсларга етказилган мулк зарарларни компенсация қилиш бўйича республика мақсадли жамғармаси (кейинги ўринларда — республика компенсация жамғармаси);

худудий даражада — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари (кейинги ўринларда — маҳаллий ҳокимликлар) ҳузуридаги Жисмоний ва юридик шахсларга етказилган мулк зарарларни компенсация қилиш бўйича худудий мақсадли жамғармалар (кейинги ўринларда — худудий компенсация жамғармалари) ташкил этилади.

3. Республика компенсация жамғармаси ва худудий компенсация жамғармалари Ўзбекистон Республикасининг «Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 27 июлдаги ПФ–5490-сон ҳамда «Мулк ҳуқуқининг дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш, мулк муносабатларга асоссиз аралашувга йўл қўймаслик, хусусий мулкнинг капиталлашув даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2022 йил 24 августдаги ПФ–198-сон фармонларига мувофиқ жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплашни молиялаштириш мақсадида ташкил этилади.

4. Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш натижасида жисмоний ва юридик шахсларга етказилган мулк зарарларни қоплаб бериш 1-иловадаги\*;

Жисмоний ва юридик шахсларга етказилган мулк ва маънавий зарарларни қоплаб бериш 2-иловадаги\* схемаларга мувофиқ тартибда амалга оширилади.

---

\* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

**2-боб. Жисмоний ва юридик шахсларга етказилган  
мулкӣ зарарларни компенсация қилиш бўйича республика ва  
ҳудудий мақсадли жамғармалар маблағларини  
шакллантириш тартиби**

5. Республика компенсация жамғармаси қуйидаги манбалар ҳисобига шакллантирилади:

Вазирлар Маҳкамаси захира жамғармаси маблағларининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети ва унинг қўшимча манбалари маблағлари;

юридик ва жисмоний шахсларнинг, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг ҳомийлик ва хайрия ёрдамлари тарзидаги маблағлар;

қонунчиликда тақиқланмаган бошқа тушумлар.

6. Ҳудудий компенсация жамғармалар қуйидаги манбалар ҳисобига шакллантирилади:

маҳаллий ҳокимликлар захира жамғармалари маблағларининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалари маблағлари;

тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни электрон савдо платформасида реализация қилишдан келиб тушган, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг махсус ғазна ҳисобварақларига қўшимча манбалар сифатида ўтказиладиган маблағлар;

юридик ва жисмоний шахсларнинг, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг ҳомийлик ва хайрия ёрдамлари тарзидаги маблағлар;

маҳаллий бюджет параметрларида мулкӣ ва маънавий зарарларни қоплаш учун назарда тутилган маблағлар;

давлат фойдасига мусодара қилинган мол-мулкларни реализация қилишдан тушган маблағлар (ҳудудий компенсация жамғармаларига йўналтирилдиган қисми);

қонунчиликда тақиқланмаган бошқа тушумлар.

Мазкур банднинг бешинчи ва олтинчи хатбошиларида кўрсатилган манбалар бўйича шакллантирилган маблағлар фақат мулкӣ ва маънавий зарарларни қоплаш учун йўналтирилади.

7. Республика компенсация жамғармаси ва ҳудудий компенсация жамғармаларга тушган маблағлар тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий бўлинмаларида очилган шахсий ғазна ҳисобварақларида жамғарилади.

**3-боб. Жисмоний ва юридик шахсларга етказилган мулкый зарарларни компенсация қилиш бўйича республика ва ҳудудий мақсадли жамғармалар маблағларидан фойдаланиш тартиби**

8. Республика компенсация жамғармаси маблағларидан ер участкалари жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан етказилган зарарларни қоплаш учун фойдаланилади.

9. Ҳудудий компенсация жамғармалари маблағларидан қуйидагилар учун фойдаланилади:

а) ер участкалари жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан етказилган зарарларни қоплаш;

б) жисмоний ва юридик шахсларга етказилган қуйидаги зарарларни (кейинги ўринларда — мулкый ва маънавий зарар) қоплаш:

кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестрига ноқонуний ёки ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларнинг киритилиши натижасида уларга ишониб ҳаракат қилган жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарлар;

давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари ва хизматчиларининг қонунга хилоф деб топилган қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида жисмоний ва юридик шахсларга етказилган ва суднинг қонуний кучга кирган қарори билан аниқланган зарарлар;

терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар, суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ва суднинг қонунга хилоф деб топилган ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли етказилган зарар ва маънавий зиёнлар;

турар жой инсофли эгалловчидан қонунчиликда белгиланган тартибда талаб қилиб олинишига йўл қўйилмаслиги натижасида мулкдорга етказилган зарар.

**4-боб. Ер участкалари жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан зарарларнинг ўрнини жисмоний ва юридик шахсларга қоплаб бериш тартиби**

10. Республика компенсация жамғармаси маблағларидан фақат Ўзбекистон Республикасининг «Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Қонунида назарда тутилган тартибда қабул қилинган Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг, вилоятлар ёки Тошкент шаҳар ҳокимликларининг ёки республика ижро этувчи ҳокимият органларининг ташаббусига кўра Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, тегишли халқ депутатлари вилоят ёки Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан компенсация эвазига ер участкаларини жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тўғрисида қарорлар қабул қилинганлиги муносабати билан зарарларнинг ўрнини жисмоний ва юридик шахсларга қоплаш учун фойдаланилади.

11. Ҳудудий компенсация жамғармаларининг маблағларидан тегишлича

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, шунингдек туманлар (шаҳарлар) ҳокимликларининг ташаббусига кўра Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, тегишли халқ депутатлари вилоят ёки Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тўғрисида қарорлар қабул қилинганлиги муносабати билан зарарларнинг ўрнини жисмоний ва юридик шахсларга қоплаш учун фойдаланилади.

12. Республика компенсация жамғармаси ва ҳудудий компенсация жамғармаларининг кузатув кенгашлари мазкур жамғармаларни бошқаришнинг юқори органи ҳисобланади.

Республика компенсация жамғармаси ва ҳудудий компенсация жамғармаларининг кузатув кенгашлари (кейинги ўринларда — кузатув кенгашлари) тегишли равишда мазкур Низомга 3 ва 4-иловаларга\* мувофиқ таркибда фаолият юритади.

13. Кузатув кенгашлари қўйидаги ваколатларга эга:

ер участкасини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш ташаббускори томонидан тақдим этилган асослантирувчи материалларни кўриб чиқиш ва келишиб олиш;

ер участкалари жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан зарарларнинг ўрни жисмоний ва юридик шахсларга қопланишини молиялаштириш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

тегишли жамғарма маблағларининг келиб тушиши ва улардан фойдаланиш прогнозларини кўриб чиқиш, шунингдек, уларни кейинги йил учун тасдиқлаш;

тегишли жамғарма даромадларининг барқарор шакллантирилишини ҳамда ер участкалари жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан зарарларнинг ўрнини жисмоний ва юридик шахсларга қоплаб беришни ўз вақтида молиялаштирилишини таъминлаш.

14. Кузатув кенгашлари томонидан ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорлар барча давлат органлари ва ташкилотлар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

Кузатув кенгашларининг қарорлари кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси билан расмийлаштирилади.

15. Республика компенсация жамғармаси ва ҳудудий компенсация жамғармаларининг ишчи органлари уларнинг ижро этувчи органи ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги республика компенсация жамғармаси кузатув кенгашининг, Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар иқтисодиёт ва молия бош бошқармалари эса ҳудудий компенсация жамғармалари кузатув кенгашларининг ишчи органи ҳисобланади.

16. Республика компенсация жамғармаси ва ҳудудий компенсация жамғармаларининг ишчи органлари:

тегишли жамғармалар маблағлари тушуми ва улардан фойдаланиш про-

---

\* 3-4-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

гнозларини ишлаб чиқади ҳамда белгиланган муддатларда жамғармаларнинг кузатув кенгашларига тасдиқлаш учун тақдим этади;

етказилган зарарларни қоплашни молиялаштириш учун мўлжалланган маблағлар тушуми жадвалларини ишлаб чиқади, шунингдек, уларнинг ба-жарилишини таҳлил қилади ва тегишли жамғармалар маблағларининг ўз вақтида жамланишига салбий таъсир кўрсатувчи омилларни бартараф этиш чораларини кўради;

етказилган зарарларни қоплашни молиялаштиришга ажратилган маблағларнинг мақсадли йўналтирилиши мониторингини тизимли асосда юри-тади;

жамғармалар даромадлари ва харажатлари ижроси тўғрисидаги чораклик ва ҳар йилги ҳисоботларни тузади ҳамда кўриб чиқиш учун тегишли жамғар-маларнинг кузатув кенгашларига киритади.

17. Республика компенсация жамғармасидан маблағлар ҳудудий компен-сация жамғармалари орқали ажратилади.

18. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари республика компенсация жамғармасидан те-гишли маблағларни ҳудудий компенсация жамғармаларига ажратиш тўғри-сида қўйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда республика компенсация жамғармасининг ишчи органига мурожаат қилади:

Вазирлар Маҳкамасининг ер участкаларини жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш назарда тутилган қарори;

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги тизимидаги ҳудудий қурилиш органларининг тегишли хулосалари;

бузилишга тушган объектларнинг Қорақалпоғистон Республикаси Ва-зирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар ёки туманлар (шаҳарлар) хо-кимликлари томонидан тасдиқланган рўйхати;

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг ер участкасини олиб қўйиш тўғрисидаги қарорлари;

бузиладиган кўчмас мулк объектларини, шунингдек олиб қўйиладиган ер участкасига бўлган ҳуқуқларни баҳолаш бўйича ҳисобот нусхалари;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар ёки туманлар (шаҳарлар) ҳокимликларива мулкдор ўртасидаги нота-риал тасдиқланган келишув шартномаси ёки суд қарори нусхалари.

19. Республика компенсация жамғармасининг ишчи органи тақдим этил-ган ҳужжатларни тўлиқлигини кўриб чиқиб, уларни республика компен-сация жамғармаси кузатув кенгашига киритади.

20. Республика компенсация жамғармаси кузатув кенгаши тақдим этил-ган ҳужжатларни кўриб чиқиб, ер участкалари жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан зарарларнинг ўрнини жисмоний ва юри-дик шахсларга қоплаш учун тегишли ҳудудий компенсация жамғармасига маблағ ажратиш ёки маблағ ажратишни рад этиш тўғрисида қарорлар қабул қилади.

21. Туман (шаҳар) ҳокимликлари ер участкалари жамоат эҳтиёжлари

учун олиб қўйилиши муносабати билан зарарларнинг ўрнини жисмоний ва юридик шахсларга қоплаб бериш учун қўйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда, тегишли ҳудудий компенсация жамғармаси кузатув кенгаши ишчи органига мурожаат қилади:

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг олиб қўйилиши режалаштирилаётган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектлари мулкдорлари билан очик муҳокама ўтказиш тўғрисидаги қарорлари;

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг ер участкасини олиб қўйиш тўғрисидаги қарорлари;

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги тизимидаги ҳудудий қурилиш органларининг тегишли хулосалари;

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси ҳудудий бошқармаларининг (филиалларининг) ер участкасига нисбатан ҳуқуқ эгалари ҳамда унда жойлашган кўчмас мулк объектлари ҳақидаги тегишли маълумотлари;

кадастр ҳужжатидан нусхалар;

бузиладиган кўчмас мулк объектларини, шунингдек, олиб қўйиладиган ер участкасига бўлган ҳуқуқларни баҳолаш бўйича ҳисобот нусхалари;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар ёки туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари ва мулкдор ўртасидаги нотаиал тасдиқланган келишув шартномаси ёки суд қарори нусхалари.

22. Ҳудудий компенсация жамғармаларининг ишчи органи тақдим этилган ҳужжатларнинг тўлиқлигини кўриб чиқиб, уларни ҳудудий компенсация жамғармаларининг кузатув кенгашларига киритади.

23. Ҳудудий компенсация жамғармаларининг кузатув кенгаши тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиб, ер участкалари жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан зарарларнинг ўрнини жисмоний ва юридик шахсларга қопланишини молиялаштириш ёки молиялаштиришни рад этиш тўғрисида қарорлар қабул қилади.

24. Кузатув кенгашларининг қарорлари асосида маҳаллий ҳокимликларнинг (шунингдек, туман ва шаҳар ҳокимликларининг) ҳисоб-китоб бўлими ҳудудий компенсация жамғармасидан ер участкалари жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарар суммасини қоплаб беради.

25. Республика компенсация жамғармаси ва ҳудудий компенсация жамғармалари маблағларини бошқариш ҳамда тақсимлаш ушбу жамғармаларнинг кузатув кенгашлари раислари томонидан амалга оширилади.

26. Ер участкалари жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан боғлиқ бўлган маълумотларни, кузатув кенгашларининг қарорлари лойиҳаларини ва бошқа зарур ҳужжатларни тайёрлаш ҳамда расмийлаштириш тегишли жамғармалар кузатув кенгашлари котиблари томонидан амалга оширилади.

### 5-боб. Мулкӣй ва маънавий зарарларни қоплаб бериш тартиби

27. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкӣй ва маънавий зарарларни қоплаб бериш бўйича аризаси (муурожаати) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига тақдим қилинади.

28. Мулкӣй ва маънавий зарарларни қоплаб бериш бўйича аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

суд ҳужжати (ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим, қарор) нусхаси;

суд ҳужжати асосида берилган ижро варақанинг асл нусхаси (агар суд ҳужжати асосида берилган ижро варақа судьянинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланган электрон ҳужжат тарзида тақдим этилган бўлса, унинг асл нусхасини илова қилиш талаб этилмайди);

ҳудудий компенсация жамғармаси ҳисобидан маблағлар ўтказиш учун аризачининг тегишли банкдаги ҳисобварағи реквизитлари ҳақида маълумот.

29. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари қуйидаги ҳолларда аризани қайтаради:

ушбу Низомнинг 28-бандида назарда тутилган ҳужжатлар аризага илова қилинмаганда;

суд ҳужжати асосида берилган ижро варақа Ўзбекистон Республикасининг «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонунининг 8-моддасида назарда тутилган талабларга мувофиқ бўлмаганда;

суд ҳужжати асосида берилган ижро варақа Ўзбекистон Республикасининг «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонунининг 27-моддасида назарда тутилган ижрога топшириш муддати ўтгандан кейин тақдим этилганда;

ижро варақани беришга асос бўлган суд ҳужжати бекор қилинганда;

ариза берувчининг тегишли банкдаги ҳисобварағи реквизитлари тўлиқ тақдим этилмаганда.

Ариза ва унга илова қилинган тегишли ҳужжатларни ушбу бандда назарда тутилмаган асослар бўйича кўриб чиқмасдан қайтаришга йўл қўйилмайди.

30. Ариза қабул қилингандан сўнг Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг юридик хизмати уч иш куни ичида ариза ва унга илова қилинган тегишли ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, қуйидаги таклифлардан бирини Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ёки ҳокимга киритади:

ариза ва унга илова қилинган ҳужжатларга асосан унда кўрсатилган маблағларни тўлаб бериш тўғрисида;

аризага илова қилинган суд ҳужжати устидан белгиланган тартибда шикоят киритиш тўғрисида (шикоят лойиҳасини илова қилган ҳолда).

31. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари уч иш куни ичида юридик хизматнинг тегишли таклифи асосида қуйидаги ҳаракатлардан бирини амалга оширади:

ҳисоб-китоб бўлимига суд ҳужжатида кўрсатилган маблағларни қоплаб бериш бўйича кўрсатма беради;

суд ҳужжати устидан белгиланган тартибда шикоят киритади.

32. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳисоб-китоб бўлими Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ёки тегишли ҳокимнинг кўрсатмаси келиб тушган вақтдан бошлаб бир иш куни ичида ҳудудий компенсация жамғармасида мавжуд маблағлар доирасида ариза ва унга илова қилинган ҳужжатларда кўрсатилган маблағларни ариза берувчининг банкдаги ҳисобварағига ўтказиб беради.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳудудий компенсация жамғармасида етарли маблағлар мавжуд бўлмаганда, икки иш куни ичида ариза ва унга илова қилинган ҳужжатларда назарда тутилган маблағларни маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан қоплаб бериш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашига таклиф киритади.

33. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан маблағ ажратиш тўғрисидаги таклифи Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдаги йиғилишида кўриб чиқилади.

34. Аризага илова қилинган суд ҳужжати устидан судга шикоят киритилган ва ижро ишини юритиш тўхтатиб турилган тақдирда, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари икки иш куни ичида ариза берувчига ижро ишини юритиш тўхтатилганлиги ҳақида суднинг тегишли қарорини (ажримини) илова қилган ҳолда хат юборади. Бунда суд ҳужжати асосида берилган ижро варақани ижро этиш бўйича барча ҳаракатлар суд томонидан ижро ишини юритишни тиклаш тўғрисида қарор (ажрим) қабул қилингунга қадар тўхтатиб турилади.

35. Суднинг ижро ишини юритишни тиклаш тўғрисидаги қарори (ажрими) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига келиб тушган кундан бошлаб бир иш куни ичида суд ҳужжатида кўрсатилган маблағлар ариза берувчининг тегишли банк ҳисобварағига ўтказиб берилади.

36. Суд ҳужжати белгиланган тартибда бекор қилинганда бир иш куни ичида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳудудий компенсация жамғармасидан маблағлар тўлашни рад этиш тўғрисида ариза берувчига хат юборади.

37. Суд ҳужжатида регресс тартибида ундириш назарда тутилган бўлса, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳудудий компенсация жамғармалари ҳамда маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан қоплаб берилган маблағларни кейинчалик айбдор деб топилган давлат органлари, уларнинг мансабдор шах-

слари ва хизматчиларидан тўлик миқдорда регресс тартибида ундириб олиш чораларини кўради.

Бунда жисмоний ва юридик шахсларга давлат органи, унинг мансабдор шахси ва хизматчисининг қонунга хилоф деб топилган қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида етказилган зарарлар, биринчи навбатда, тегишли давлат органининг бюджетдан ташқари махсус ҳисобварағига тушадиган маблағлари ҳисобидан қопланади ва кейинчалик айбдор шахсдан регресс тартибида ундириб олинади.

### **6-боб. Республика ва ҳудудий компенсация жамғармалари маблағларидан фойдаланиш юзасидан ҳисобот, назорат ва жавобгарлик**

38. Республика компенсация жамғармаси ва ҳудудий компенсация жамғармалари кузатув кенгашлари ҳамда маҳаллий ҳокимликлар республика ва ҳудудий компенсация жамғармалари маблағларидан мақсадли ва тежаб фойдаланишни белгиланган тартибда назорат қилади.

39. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳудудий компенсация жамғармалари маблағлари ҳисобини, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги республика компенсация жамғармаси маблағларининг ҳисобини юритади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳудудий компенсация жамғармалари маблағлари ҳисобидан амалга оширилган тўловлар ва уларнинг регресс тартибида ундириб олинишига оид ҳисоботни Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар Кенгаши ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигига ҳар чорак якуни бўйича кейинги ойнинг 10-санасига қадар тақдим этиб боради.

40. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги республика ва ҳудудий компенсация жамғармалари маблағлари ҳисобидан амалга оширилган тўловлар ва уларнинг регресс тартибида ундириб олинишига оид ҳисоботларни умумлаштириб боради.

41. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.»

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ****ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**9** «Дон ва дуккакли дон экинлари илмий тадқиқот институти ва унинг филиалларига, уруғчилик ҳамда бошқа хўжаликлардан давлат ресурсига харид қилинадиган уруғлик дон учун нав устамаларидан 3 фоизгача ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил  
3 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2382-1*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 12 октябрдаги 641-сон «Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғчилигига оид айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлигининг 2012 йил 30 майдаги 3/1, 45, 7-сон «Дон ва дуккакли дон экинлари илмий тадқиқот институти ва унинг филиалларига, уруғчилик ҳамда бошқа хўжаликлардан давлат ресурсига харид қилинадиган уруғлик дон учун нав устамаларидан 3 фоизгача ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2382, 2012 йил 25 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 30-сон, 354-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳамда «Ўздонмахсулот» акциядорлик компанияси билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Қишлоқ хўжалиги вазири**

**И. АБДУРАҲМОНОВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 15 декабрь,  
1-сон

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 4 январда эълон қилинган.

**Иқтисодиёт ва молия вазири**

**Д. КУЧКАРОВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 4 декабрь,  
91-сон

*Келишилди:*

*Ўзбекистон фермер, деҳқон  
хўжаликлари ва томорқа  
ер эгалари кенгаши раиси*

**А. ХАЙТОВ**

*2023 йил 14 декабрь*

*Ўзбекистон Савдо-саноат  
палатаси раиси*

**Д. ВАХАБОВ**

*2023 йил 12 декабрь*

*«Ўздонмахсулот» акциядорлик  
компанияси бошқарув раиси*

**С. УЗАКОВ**

*2023 йил 6 декабрь*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**10** Консуллик легаллаштириш тўғрисидаги йўриқномани,  
шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган  
деб топиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил  
3 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 313-3*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 20 ноябр-  
даги 610-сон «Ўзбекистон Республикасида ҳамда хорижда ҳужжатлар ва  
далолатномаларни консуллик легаллаштириш тартиби тўғрисидаги низомни  
тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз  
кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга  
киради.

**Ташқи ишлар вазири**

**Б. САИДОВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 12 декабрь,  
37-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 6 январда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
ташқи ишлар вазирининг 2023 йил 12 декабр-  
даги 37-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий  
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар  
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири томонидан 1997 йил 14 февралда тасдиқланган Консуллик легаллаштириш тўғрисидаги йўриқнома (рўйхат рақами 313, 1997 йил 12 март) (Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив ҳужжатлари ахборотномаси, 1997 йил, 5-сон).

2. Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг 2017 йил 14 октябрдаги 27-сон «Консул томонидан ҳужжатларни қонунийлаштириш тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 313-1, 2017 йил 17 октябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.10.2017 й., 10/17/313-1/0134-сон).

3. Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг 2018 йил 27 ноябрдаги 37-сон «Консуллик легаллаштириш тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 313-2, 2018 йил 29 декабрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.12.2018 й., 10/18/313-2/2417-сон).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**11** Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, нақд пул ва бошқа қимматликларни инкассация қилишга доир йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил  
3 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3028-8*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ҳамда «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2018 йил 28 апрелдаги 16/21-сон қарори (рўйхат рақами 3028, 2018 йил 29 июнь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 02.07.2018 й., 10/18/3028/1418-сон) билан тасдиқланган Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, нақд пул ва бошқа қимматликларни инкассация қилишга доир йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.
2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Раис**

**М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 25 ноябрь,  
39/3-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 3 январда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки бошқарувининг 2023 йил  
25 ноябрдаги 39/3-сонли қарорига  
ИЛОВА

**Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, нақд пул ва бошқа қимматликларни инкассация қилишга доир йўриқномага киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 1<sup>1</sup>-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«1<sup>1</sup>. Мазкур Йўриқнома мақсадлари учун тижорат банки, банк ва банк филиали деганда қонунчиликда ўрнатилган тартибда хос рақам (банк коди)га эга бўлган тижорат банки филиаллари, амалиёт бошқармалари, банк хизматлари офислари (марказлари) ва бошқа алоҳида бўлинмалар тушунилади.».

2. 18-банднинг биринчи хатбошидаги «ҳисоби Ўзбекистон Республикаси банкларида касса амалларининг бухгалтерия ҳисобини юритиш қоидаларига (рўйхат рақами 1602, 2006 йил 24 июль)» деган сўзлар «ўтказмалари ҳисоби Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобининг ҳисобварақлар режасига (рўйхат рақами 3336, 2021 йил 26 ноябрь)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 83-банд қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Бунда, мазкур иш куни мобайнида қайта санаш кассасининг назоратчиси томонидан юк хатлари банк бўлинмасининг бухгалтерия бўлимига топширилиши ҳамда бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилиши лозим.».

4. 219-банднинг учинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«айланма кассадаги хорижий давлатларнинг нақд валюталари қолдиқларини 10101 — «Айланма кассадаги нақд пуллар» ҳисобварағидаги хар бир хорижий валюта қолдиғига ҳамда мазкур Йўриқноманинг 32-иловасида келтирилган 121-шаклдаги нақд чет эл валютаси ва чет эл валютасидаги тўлов ҳужжатлари қолдиғини қайд этиш китоби ва 32а-иловасида келтирилган 121А-шаклдаги эскирган нақд чет эл валюталари қолдиғини қайд этиш китобида қайд этилган ёзувларга мос келишини;».

5. 296-банд қуйидаги мазмундаги иккинчи — еттинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Бунда, шубҳали нақд пуллар Марказий банкнинг инкассация хизмати орқали кузатув хатига илова қилинган ҳолда, конвертга солиниб, муҳрланган ҳолатда юборилади ҳамда юборилган шубҳали нақд пуллар Марказий банкнинг Тошкент шаҳар бош бошқармаси ХҚКМга кирим қилинади.

Қабул қилинган ва юборилган шубҳали нақд пуллар бўйича Марказий банкнинг бош бошқармалари ХҚКМ томонидан тегишли бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади.

Марказий банкнинг Нақд пул муомаласини ташкил этиш департаменти томонидан шубҳали нақд пуллар тегишли фармойиш асосида «Давлат белгиси» ДУКга экспертизадан ўтказиш учун етказилади.

«Давлат белгиси» ДУК томонидан ўтказилган экспертиза натижаларига кўра, нақд пуллар ҳақиқий деб топилса, экспертиза хулосаси ушбу нақд пулларни экспертизага юборган Марказий банкнинг бош бошқармаси ХҚКМга ва Нақд пул муомаласини ташкил этиш департаментига юборилади.

Ҳақиқий деб топилган нақд пуллар кузатув хатига илова қилинган ҳолда, конвертга солиниб, муҳрланган ҳолатда Марказий банкнинг Тошкент шаҳар бош бошқармаси ХҚКМга етказилади.

«Давлат белгиси» ДУК томонидан шубҳали нақд пуллар «ҳақиқий эмас» ёки «қалбаки» деб топилган ҳолларда, кузатув хати орқали экспертиза хулосаси ва шубҳали нақд пуллар конвертга солиниб, муҳрланган ҳолатда Ички ишлар бўлинмаларига хабар бериш учун нақд пулларни юборган Марказий банкнинг ҳудудий бош бошқармаси ХҚКМга жўнатилади.».

6. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг иловасига мувофиқ таҳрирдаги 32а-илова билан тўлдирилсин.

Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, нақд пул ва бошқа қимматликларни инкассация қилишга доир йўриқномага киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларга  
ИЛОВА

«Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, нақд пул ва бошқа қимматликларни инкассация қилишга доир йўриқномага 32а-ИЛОВА

121А-шакл

---

(банк / филиал номи)

**ЭСКИРГАН НАҚД ЧЕТ ЭЛ ВАЛЮТАЛАРИ  
ҚОЛДИҒИНИ ҚАЙД ЭТИШ  
К И Т О Б И**

20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ да бошланди.

20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ да якунланди.

Эскирган нақд чет эл валюталарининг номлари	Эскирган нақд чет эл валюталарининг қолдиқлари (номинал қийматлари бўйича)				
	____ 20__	____ 20__	____ 20__	____ 20__	____ 20__
АҚШ доллари					
Евро					
...					
<b>Бошқарувчи:</b>					
<b>Бош бухгалтер:</b>					
<b>Касса мудир:</b>					
	(имзолар)	(имзолар)	(имзолар)	(имзолар)	(имзолар)

».

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг  
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг  
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан  
ўтказиш ҳолати тўғрисида  
МАЪЛУМОТИ**

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2023 йил 15 декабрдаги 1-сон ва Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг 2023 йил 4 декабрдаги 91-сон «Дон ва дуккакли дон экинлари илмий тадқиқот институти ва унинг филиалларига, уруғчилик ҳамда бошқа хўжаликлардан давлат ресурсига харид қилинадиган уруғлик дон учун нав устамаларидан 3 фоизгача ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

***2024 йил 3 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2382-1.***

2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирининг 2023 йил 12 декабрдаги 37-сон «Консуллик легаллаштириш тўғрисидаги йўриқномани, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи.

***2024 йил 3 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 313-3.***

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2023 йил 25 ноябрдаги 39/3-сон «Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, нақд пул ва бошқа қимматликларни инкассация қилишга доир йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

***2024 йил 3 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3028-8.***

**II. Давлат реестридан чиқарилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлигининг 2012 йил 30 майдаги 3/1, 45, 7-сон «Дон ва дуккакли дон экинлари илмий тадқиқот институти ва унинг филиалларига, уруғчилик ҳамда бошқа хўжаликлардан давлат ресурсига харид қилинадиган уруғлик дон учун нав устамаларидан 3 фоизгача ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2382, 2012 йил 25 июль).

***2024 йил 3 январда давлат реестридан чиқарилди.***

2. Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири томонидан 1997 йил 14 февралда тасдиқланган Консуллик легаллаштириш тўғрисидаги йўриқнома (рўйхат рақами 313, 1997 йил 12 март), шунингдек унга ўзгартиришлар

(рўйхат рақами 313-1, 2017 йил 17 октябрь), (рўйхат рақами 313-2, 2018 йил 29 декабрь).

*2024 йил 3 январда давлат реестридан чиқарилди.*

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**